[illegible] АПР 1993

Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 15 апрель • Пайшанба • № 43 (14071) ترکستان ✱ TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Акс-садо

1 МАЙ—ЁШЛАР КУНИ БЎЛСИН

Баъзан шундай бўладики, кўнглингда туғилиб турган фикрни юзага чиқаролмайсан. Ана шу фикр ўртага ташланганда эса қандайдир енгил тортасан. Газеталарингизда «Ёшлар байрами» тўғрисидаги таклифни ўқиб ана шу ҳолга тушдим.

Кўпдан буён шу тўғрида ўйлаб юрардим. Ростда, ишнинг бошида ёшлар турсину ўзининг алоҳида байрами бўлмасинми?

Хуллас, ёшларимизнинг бу таклифларини жуда ўринли деб ҳисоблайман. Бу байрамнинг қачон нишонланишига келсак, бизнинг фикримиз шу — 1 Май — Ёшлар куни бўлсин. Шу куни бутун жумҳуриятимиз бўйлаб тантанали кечалар, мусобақалар, қизиқарли тадбирлар ўтказилсин.

«Ёшларнинг ўз байрами бўлсин» сарлавҳаси остида берилган туркум мақолаларни ҳам ўқиб чиқдик. Ундаги таклифлар билан танишдик. Бизнинг фикримизча, бу кун — Ёшлар байрами деб аталсин. Бу таклифни фақат Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқида эмас, балки бошқа вилоятлардаги етакчилар ҳам маъқуллашди. Уларнинг фикрлари ҳам шу — Ёшлар байрами 1 майда нишонлансин.

Жавоҳарлал ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи кенгаши раиси.

Ўтиш даври сабоқлари

СОКИНЛИК

ЁШЛАР анжуманида ана шу руҳ ҳукмрон бўлишини кўнглим сезганди. Чунки ўзгаришлар ҳам, ривожланиш ҳам шароитга қарайди-да. Гарчи уларнинг ўзлари исташмаса-да, кўп нарсалардан воз кечишга тўғри келди. Кўрпага қараб оёқ узатадиган бугунги кунда молиявий жиҳатдан қашшоқ Ёшлар Иттифоқидагилар кўнгилдаги ниятларни амалга ошираверишга ҳар доим ҳам қодир эмаслар.

Авваллари улар ишлаётган бинога кириб борсангиз, одамни аллақандай салобат босарди. Кенг ва ёруғ иш хоналари, қўша-қўша телефонлар, истаган нарсангиз ҳақида сўрасангиз, маълумотномалар тайёр. Улар аралашмаган ишнинг ўзи йўқ эди. Бир куни собиқ котиблардан бири кулги аралаш айтиб берганди.

— Ҳисоблаб кўрсам, — деганди у, — ўн тўққизта жамият ва ҳар хил комиссияларга аъзо эканман.

Шулардан бири менинг ҳам ёдимда. Авваллари туман комсомол комитетининг саркотиби туман партия комитетининг бюро аъзоси этиб сайланарди. Бу эса, табиийки, кўп муаммоларни ҳал қилишда қўл келарди. Энди-чи?..

Юқори ташкилотларга мутахассислар танлашда ва тайинлашда биринчи кўз тикиладиган жой — туман комсомол қўмиталарида ишловчилар бўлишарди. Бунинг натижасини бугунги кунимизда ҳам кўришимиз мумкин. Ҳокимликларда ишловчиларнинг кўпчилигини собиқ комсомол ходимлари ташкил этишади. «Комсомол — партиянинг ишончли ўринбосари» деган шиор фақат қоғозда эмас, амалда ҳам қўлланиларди.

Бухоро вилоят Ёшлар Иттифоқининг XXVI конференциясида иштирок этарканман, хаёлимдан ана шу фикрлар ўтди. Ёшлар анжумани ҳам сокинлик билан бошланди. Делегатлар ҳам аввалгидек залнн тўлдиришмаганди. Сайланган 155 нафар делегатдан 148 нафари иштирок этди.

Улар ўтган уч йиллик даврдаги фаолиятларига баҳо беришга тўпланишди. Ўтган давр ичидаги энг катта йўқотиш — ишчи ходимлар сонининг кескин қисқариши бўлди. 1990 йилнинг январида вилоят бўйича 507 киши ишлаган бўлса, 1993 йилнинг мартига келиб 154 нафар қолди. Ишчи ўринларининг қисқариши албатта, уларнинг фаолиятига ҳам таъсир қилди.

(Давоми 2-бетда).

КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Қашқадарёда ҳам Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят ташкилотининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Муҳаббат Саидмуродованинг ўтган даврда қилинган ишлар юзасидан ҳисобот маърузаси тингланди.

Ёшларнинг анжуманида Қашқадарё вилояти ҳокими Т. П. Хидиров, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Орзиматовлар қатнашди ва сўзга чиқдилар.

Қашқадарёлик йигит-қизлар йиғинида Халқ демократик партияси вилоят қўмитасининг биринчи котиби Ф. Омонов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг котиби К. Жуманиёзовлар ҳам қатнашдилар.

Вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Унда биринчи котиб этиб М. Саидмуродова, Б. Юнусов, Б. Қораевалар эса котиблари этиб сайландилар.

Туркманистонга сафар

14 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Туркманистоннинг пойтахти Ашгабад шаҳрига жўнаб кетди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Туркманистон пойтахтига етиб келди.

Ашгабад аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президентини Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзовнинг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Оқшом чоғи Президент саройида ҳар икки мамлакат раҳбарлари расмий делегациялар ўртасида бўлиб ўтган ўзаро мулоқотлар ва музокараларга якун ясар эканлар, уларнинг самарали бўлганини таъкидладилар.

Ҳар икки мамлакат президентлари тушдан кейин Туркманистон давлат дорилфунуни талабалари билан учрашдилар. Президентлар азалдан қондош бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарликни юксалтиришда, давлатларимиз қудратини оширишда мамлакатларимиз ёшлари олдида катта вазифалар турганини қайд этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни кечқурун Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов ҳамроҳлигида Чоржўй шаҳрига жўнаб кетди.

(ЎзА).

ЎзА мухбири И. Хўжаев олган ушбу сурат Сурхондарё вилояти «Кўҳитанг» давлат хўжалиги адирларидан тасвирга туширилган. Ушбу хўжалик вилоят чорвачилик жамоалари орасида етакчи ўрин эгаллайди. Хўжаликда 32 бош майда туёқли мол бор. Дағал хашак ўз вақтида ва керагича жамғарилгани, қўтонлар таъмирланиб, иситиш тизимлари ўрнатилгани сабаб барча отарлар қишловдан беталофат чиқди. Яхши тайёргарлик боис қўзилатиш мавсуми ҳам муваффақиятли якунланди. Мавсумда Тўлибой Тўхтаев бош чўпонлик қилаётган оилавий ижарачиларнинг муваффақияти ҳам катта бўлди. Улар 589 бош совлиқнинг ҳар биридан соғлом қўзи олишга эришдилар.

СУРАТДА: Оилавий чўпонлар сулоласи. Ойимхон опа Тўхтаева ўғли Муҳитдин ва қизи Дилраболар билан отардан қайтаётганини кўриб турибсиз.

ГАЗЕТАГА — ЎН МИЛЛИОН СЎМ

«Қашқадарё ҳақиқати» вилоят газетаси қоғоз тақчиллиги туфайли ҳафтасига уч марта эмас, икки марта чоп этила бошлади.

— Бу вақтинчалик, яқинда вилоят ҳокимлиги бизга ўн миллион сўм пул ажратди. Қоғоз топишимиз билан яна газетамиз аввалгидек чиқа бошлайди, — деди рўзнома бош муҳаррири Рўзи Нурматов.

ВАРАҚЛАНАДИГАН КАЛЕНДАРЬ

Мустақил Ўзбекистон давлатининг энг муҳим саналарини ўзида мужассамлаштирган календарь давлат тилида илк бора нашр этилди. Уни қисқа муддат ичида «Ўзбекистон» нашриёти 5 минг нусхада чоп қилди. Ана шундай ибратли ишларнинг Наврўз айёми кунларида амалга оширилиши айниқса, қувончли бўлди. Эндиликда уни варақлаб Ўзбекистон мамлакатида шу йил нишонланадиган муҳим воқеаларни бемалол билиб олишингиз мумкин.

ВАРАҚЛАНАДИГАН КАЛЕНДАРЬ
1993

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Аббос Бакиров номидаги ёшлар драма театри ижодий жамоаси Андижон ёшларини «Мўъжизалар олами ёҳуд саноъи нафиса» деб номланган театр учрашувига таклиф этди. Унда иқтидорли саҳна усталари, драматург ва бастакорлар ёш мухлисларга ижодий фаолиятлари ҳақида сўзлаб, ижрочилик маҳоратларини намойиш этдилар.

МУҲИМ ФАРМОЙИШ

Фарғона ҳокими «Шаҳар санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тўғрисида» фармойиш чиқарди. Шунга кўра, санитария ҳолатини бузган ташкилот ва фуқарога белгиланган миқдорда жарима солинади. Масалан, қарорда қайд этилган қоидаларга зид иш тутган ташкилот 1000 сўмдан 30 минг сўмгача жарима тўлайди. Ундирилган пул маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилади. Унинг бир қисми шаҳар ҳокимлиги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга сарфланади.

ҒОЛИБГА ТОР ТОПШИРИЛДИ

Фарғона вилоят театри биносида Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров номидаги соврин учун водийлик ёш ҳофизлар кўриги ниҳоясига етди. Унда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятида бўлиб ўтган танлов ғолиблари — 11 нафар ёш санъаткор куч синашди.

Танловда мумтоз ва замонавий қўшиқлар ижроси, миллий мусиқа ва либослар уйғунлиги, саҳна маданиятига алоҳида эътибор берилди.

Фарғона Давлат дорилфунуни ўзбек маданияти ва санъати факультетининг 2-курс толибаси Умида Раҳматуллаева танлов ғолиби бўлди. Унга Таваккал Қодиров дастхати битилган тор топширилди.

ЎҚУВЧИ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Китоб шаҳрида миллий кураш бўйича Қашқадарё мактаб ўқувчиларининг беллашуви бўлиб ўтди. Мусобақада ёш полвонлардан Х. Бойназаров, Т. Назимов, О. Олтибоев, А. Нурматов, Л. Эшалиев, Қ. Примов, У. Эшқобилов вазн тоифаларига кўра вилоят чемпиони бўлди ва республика биринчилиги мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ФАЙЗЛИ АЙЁМ БЎЛДИ

Мустақилликнинг иккинчи баҳори мамлакатимизга ўзгача бир тароват билан кириб келди. Ҳаммаёқда Наврўз айёмлари давом этмоқда. Одамлар ўзларини шу заминнинг ҳақиқий соҳиблари эканликларини дилдан ҳис этмоқдалар.

Пойтахтдаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласида бўлиб ўтган Наврўз айёми ҳам кўпчиликнинг қалбига қувонч бағишлади. Байрамона дастурхон ёзилди. Сумалак ва ош тортилди. Бу сарф-харажатларнинг асосий қисмини Юнусобод туман ҳокимлиги маҳалла фуқароларига тортиқ этди. Ўзбекистон халқ депутати, профессор Салим Пўлатов ҳам сайловчиларга ўз совғасини юборди. Шу ерда яшовчилар ҳам қараб туришмади. Улар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Байрамона учрашувда маҳалла раиси Эгамназар ака Қодиров бошлиқ фаолларнинг ҳимматини алоҳида тилга олиш зарур.

Учрашувда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи Қулаҳмад Ризаев, жумҳурият «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Темур ҳожи Шукуров ва туман раҳбарларининг дилтортар сўзларини йиғилганлар олқишлар билан кутиб олдилар.

Байрамга таниқли хушовоз қўшиқчи Валижон Абдуллаев бошлиқ санъаткорлар, Адҳамжон Ҳожимуродов бошлиқ карнайчи ва сурнайчилар файз киритишди.

МАЙИЗ ЭВАЗИГА ШАКАР

«Ўзбекбирлашув»нинг Самарқанд мева-сабзавотни қайта ишлаш заводи жамоаси маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин олиши борасидаги ишларни амалга ошираётир. Завод тадбиркорлари шу мақсадда хорижий фирмалар билан ҳамкорликни кучайтирмоқда. Яқинда Олмониялик ҳамкасблар билан маҳсулот айирбошлаш тўғрисида келишиб олинди. Шартномага кўра, Самарқанддан жўнатиладиган ҳар кило майиз эвазига 2,3 килограмм шакар келтириш кўзда тутилмоқда.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

Баҳор фаслининг серёғин келиши, айниқса, март, апрель ойларида ёққан жала ҳамда дўл натижасида Жиззах вилоятининг қоракўлчиликка ихтисослашган туманларида ташвишли аҳвол вужудга келди. Чордара суви тошиб, минглаб гектар яйлов, қўтонлар, қудуқларга шикаст етказди.

Бироқ чорвадорлар табиат инжиқликларини енгиб, қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунлашга ҳаракат қилмоқдалар. Вилоят бўйича шу кунгача 198 мингдан ортиқ совлиқнинг 80 фоизи қўзилади. 150 мингдан зиёд қўзи ўстиришга қолдирилди.

Вилоятда бу йил 100 минг дона қоракўл тери тайёрлаш мўлжалланган. Қоракўлчилар шу кунгача 70 мингтадан зиёд сара тери тайёрлашга муваффақ бўлдилар.

И. ЖЎРАЕВ,
ЎзА мухбири.

КЎП ЯШАНГ, АБДУЛЛА АКА!

Ҳаётингизда шундай одамларга дуч келасизки, уларни бир умр эсдан чиқара олмайсиз. Ана шундай кишилардан бири Беруний шаҳридаги бирлашган касалхона реаниматологи — анестезиологи, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган шифокор Абдулла ака Ғафуровдир. Унинг қўлидан нене беморлар шифо топмади дейсиз. Мен ҳам шулардан бириман.

Биз берунийлик фуқаролар саҳийқалб ва меҳрибон инсон, ўз касбининг билимдони Абдулла ака Ғафуровни 50 ёши билан қизғин қутлаб, элимизда шундай фидойи кишилар кўп бўлсин дегимиз келади.

Муҳиддин БЕКИМБЕТОВ,
талаба
Қорақалпоғистон.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

Пойтахтдаги «Динамо» теннис клубида теннис бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақа бошланди.

Кортларда Польша, Эрон, Австрия ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги республикаларидан ташриф буюрган 50 га яқин теннисчи иштирок этмоқда. Республикамиз спорти шаънини Темур Хонхўжаев, Темур Ғаниев, Вадим Куценко, Максим Кузьмин, Оксана Арсеньева каби моҳир теннисчиларимиз ҳимоя қилишяпти.

СУРАТДА: мусобақадан бир лавҳа.

Муҳаммад АМИН.



ОРОЛ ЁРДАМГА МУШТОҚ

Орол денгизи атрофидаги экология вазияти ҳамон таҳликали бўлиб турибди. Орол фожиаси ҳозир кўп кишиларнинг қалбини ларзага солмоқда. Қуриб бораётган денгиз ҳавзасида яшовчи 40 миллион аҳоли кўп азият чекмоқда. Аммо оролбўйининг хўжалик соҳасидаги аҳамияти камайиб бораётганигина ташвишга солаётгани йўқ. Одамларнинг саломатлиги ёмонлашаётгани, аёллар ва гўдаклар орасида юқумли касалликлар тобора кўпаяётгани даҳшатлидир.

Оролни қутқариш муаммоларига бағишланган давра суҳбатида айни шулар ҳақида гапирилди. Унда ўзбек ва хорижий мутахассислар, жумладан Голландиядаги техникавий-иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро тараққиёт масалалари билан шуғулланувчи «Новиб» ташкилотидан вакил бўлиб келган экспертлар қатнашишди. Учрашувни Оролни ва Оролбўйини қутқариш жамоат қўмитаси Тошкентда уюштирди. Унда Ўзбекистон Фанлар академиясининг, республика вазирликлари ва идораларининг олимлари ҳамда мутахассислари иштирок этишди.

Давра суҳбатининг қатнашчилари Оролбўйидаги экология ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш муаммосини Каспий денгизидаги вазият билан боғлашга қарор берганликлари диққатга сазовордир.

Учрашувда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, академик И. И. Искандаров таклиф этган мушкулотдан қутулиш концепцияси муҳокама қилинди. Олим Каспий денгизининг сувидан катта канал ёрдамида Оролга ўтказиб туришни таклиф қилмоқда.

Орол денгизининг сатҳини барқарорлаштириш зарурлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Нотиқлар бу муаммони ҳал этишга оид бир қанча аниқ тавсия ва таклифларни ўртага қўйишди.

Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан келишиб Орол — Каспий муаммоси ҳал этилишини мувофиқлаштириб турадиган доимий ишловчи кенгаш тузиш, унда халқаро ташкилотларнинг қатнашишига кўмаклашиш белгиланди.

(ЎзА мухбири).

МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНАДИМИ?

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўпқиррали бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида бу тадбир қандай амалга оширилаяпти? Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг мухбири «Ўзмаиший хизматуюшма» раиси З. Собиров билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Биз бу ишда, аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш тадбирлари ҳақида»ги қарорига асосланяпмиз, — деди Зоҳид Тоҳирович. — Шунга мувофиқ, бизга қарашли иншоотларнинг қарийб 60 фоизи мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг жамоалари билан биргаликда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга киришиш, меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда маълум қийинчиликларга дуч келдик. Бу муаммоларни ўрганиш натижасида меҳнат жамоаларига мулкни сотиб олишда қўшимча имтиёзлар бериш ҳақида таклиф тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этдик. Таклифларимиз қўллаб-қувватланиб Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришнинг қўшимча тадбирлари тўғрисида»ги қарорида акс этди.

Қарор мазкур соҳада хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш имконини берди. Натижада хусусийлаштирилиши зарур бўлган иншоотларнинг кўпи меҳнат жамоаларига текин бериладиган бўлди.

— Уюшма мулкининг янги соҳиблари манфаатини муҳофаза қилиш борасида қандай чора-тадбирлар кўряпти?

— Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ҳамда давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган давлат мулки иншоотининг фаолият шартлари тўғрисида намунавий битим-шартнома ишлаб чиқилди. Унда давлат мулкини сотиш шартлари ва тартиби томонларнинг хўжалик масалаларига доир ўзаро мажбуриятлари, жумладан, ўзгартириладиган корхона ихтисосини уч йилгача ўз ҳолича қолдириш, бажариладиган иш ва хизматлар ҳажмини ўзгартирмаслик, шунингдек, ҳомиладор ва фарзандини уч ёшгача парвариш қилиш таътилида бўлган аёлларни, боласини 14 ёшгача тарбиялаш билан машғул ёлғиз оналар иш ўрнини қисқартирмаслик каби масалалар кўзда тутилган.

— Мазкур соҳа корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш қандай самара беради?

— Аввало, маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади. Корхоналар бевосита аҳолининг тегишли хизмат турларига бўлган талабини қондириш билан шуғулланади. Кўп корхоналар ҳозирдаёқ меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг шартномавий шаклларида, ички ишлаб чиқариш хўжалик ҳисоби ва ижарага асосланган ҳолда ишламоқда.

Эски ускуна ва технология асосида ишлаётган корхоналарда хусусийлаштириш жараёни секинлик билан кетаётган бўлса-да, уларнинг меҳнат жамоалари ташаббускорлик кўрсатиб, [illegible] бормоқда. Шу асосда жамоа ва акционерлик корхоналари ташкил этиляпти. Бу эса хорижий сармоя қўювчиларни жалб этиш имконини яратади. Кўпгина фирмалар ҳозирнинг ўзидаёқ қўшма корхоналар ташкил этишга қизиқиш билдирмоқда.

Вилоят хўжалик бирлашмаларининг иши ҳам қайта қурилмоқда. Аҳолининг маиший хизматга бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида соҳани ривожлантириш, унинг истиқболини белгилаш, мўлжалланган режага эришиш улар фаолиятининг асосини ташкил этади. Биз аҳолига бевосита хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқяпмиз. Масалан, республиканинг айрим саноат корхоналарида маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари учун технологик ускуналар тайёрлаш [illegible] Маълумки, ҳозирча барча технология жиҳозлари бошқа мамлакатлардан келтирилмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

СОКИНЛИК

(Боши 1-бетда)

Ўтган давр Бухоро Ёшлар Иттифоқига эътибор ва ёрдам бериш даври бўлди. «Ёшлар» дастури ҳокимлик томонидан қабул қилинди. Бу ҳақда «Туркистон»да ҳам батафсил мақола эълон қилинган эди. Шу муносабат билан Бухорода ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш вилоят жамғармаси тузилиб, бюджетдан 100 минг сўм бошланғич маблағ ўтказилди.

Бухоро Ёшлар Иттифоқи кўп хайрли ишларнинг бошловчилари бўлишган. Ёдимда. Оналар юрагидан сизиб чиқувчи аллаларни тўплаб, беллашув ўтказишни ҳам улар бошлашганди. «Алла» кўрик-беллашуви бухороликлар боис республика миқёсида ёйилди.

«Шарқ қўшиқлари» фестивалидаги қувноқ ҳолатлар-чи? Чет эллардан меҳмонлар таклиф этилиб, уч кун мобайнида Бухорода шарқ қўшиқларининг жозибали оҳанглари янгради, Республика телевидениеси орқали бу тадбирлар кўрсатилганда бухороликлар қанчалик мамнун бўлганликларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўтган ҳисобот даврида Ёшлар Иттифоқидагилар учун унутилмас яна бир сана бор. Бухоро комсомолининг 70 йиллик тўйи нишонланди. Бу тадбирлар, тўй ортидаги югур-югурлар бугун унутилгандир, лекин бу саналар ёдга олинганда уларнинг хизматлари ҳам эсланади.

Самарқанд ва Бухоро жаҳон халқларининг нигоҳида турган жаннатмакон шаҳарлардир. Шу боис ҳам Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар қандай чет эллик меҳмонлар бу шаҳарларни кўрмасдан кетишмайди. Ёш ватандошлар халқаро анжумани қатнашчиларининг ҳам қадамлари Бухорога тегди. Уларни кутиб олиш, диққатга сазовор жойлар билан таништириш Ёшлар Иттифоқидагиларнинг зиммасига тушди.

Энг шукуҳли байрамимиз — Наврўз Бухорода ўзига хос нишонланади. Кимга қандай, лекин Қоракўлда ўша куни оила қурган 14 жуфт йигит-қиз бу йилги Наврўзни бир умр ёдларидан чиқармайдилар. Ўша кунги тўй туман ёшларининг, аҳолисининг тўйига айланди.

Ромитанда бу кун кам даромадли оилаларга, ногиронларга кўмак бериш билан ўтди. Бунда, албатта, Ёшлар Иттифоқидагиларнинг алоҳида хизмати бўлди.

Вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Баҳриддин Муҳиддинов ўз маърузасида ёшлар ўртасидаги жиноятчилик ҳақидаги фикрларни ҳам айтиб ўтди. Вилоят бўйича умумий жиноятчилик 10,7 фоизга камайган. Лекин балоғатга етмаганлар ўртасида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас. 1991 йилда 667 нафар ўсмир ҳисобда турган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 680 тани ташкил этган. Собиқ комсомол даврида тезкор комсомол отрядлари тузиш, тарбияси оғир ўсмирларга фаолларни бириктириш каби иш услублари бор эди. Бугунги кунда ана шундай иш услубларидан воз кечилди. Бунинг сабаблари бор.

Ўша куни конференцияда сўзга чиққан вилоят ҳокими Дамир Едгоров диққатни тортувчи далилни келтирди:

— Ички ишлар бўлимида ишловчи бир ёш йигитдан сўрадим. У Ёшлар Иттифоқи аъзоси эмаслигини, органда ишловчилар бу ташкилотга аъзо бўлмаслигини айтди. Мен бунинг сабабини тушунолмайман. Бугунги конференцияда Марказий Қўмитанинг саркотиби иштирок этаётганлиги учун ундан бу масалага аниқлик киритиб, ҳал қилишни сўрайман.

Албатта Дамир Едгоров тўғри масалани кўтарди. Ёшлар Иттифоқи сиёсий эмас, жамоат ташкилотидир. 1991 йилда Президент томонидан қабул қилинган бир фармонда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар олий ўқув юртлари, мактабларда сиёсий партиялар фаолияти тўхтатилди. Лекин кўр-кўрона равишда мана шу ташкилотларда фаолият кўрсатаётган, сиёсий ташкилот бўлмаган Ёшлар Иттифоқи қўмиталарининг ҳам фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг собиқ раҳбарияти саъйи-ҳаракатлари туфайли мактаблар, олий ўқув юртларида ёшлар ташкилотларининг иши қайтадан тикланди. Лекин ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида ҳалигача бу муаммо ҳал этилмай келинмоқда. Шунинг учун ҳам Ёшлар Иттифоқидагилар билан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик сусайган. Авваллари ички ишлар билан комсомолнинг тезкор навбатчилар гуруҳи бирга иш олиб боришарди. Кечалари навбатчиликда туришарди. Ҳар бир комсомол фаоли тарбияси оғир ўсмир билан тарбиявий ишлар олиб борарди. Институтларда ички ишлар органлари билан қўшма рейдлар ўтказиларди. Бунинг самараси яхши эди. Шу сабабларга кўра, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида Ёшлар Иттифоқи қўмиталарининг фаолиятини қайта тиклаш зарур.

Ёшлар ташкилотининг мавқеи, обрўйи нима билан ўлчанади? Албатта, аъзоларнинг сони билан. Бухорода 1992 йил давомида ташкилот сон жиҳатидан 8525 нафарга камайган. Аъзолар сони шунчага камайган бўлса, 10 минг нафари қабул қилинган. Албатта бу юқори кўрсаткич эмас. Буни Баҳриддиннинг ўзи ҳам тан олди.

— «Қанчалик тадбир ўтказмайлик, нима ишлар қилмайлик, сон жиҳатдан камайиб кетаверсак, бу ташкилотимизнинг обрўйи пасаяётганидан, ёшлар ўртасидаги мавқеимиз тушаётганлигидан эканини тан олишимиз керак».

Конференцияда кўпчилик сўзга чиқди. Албатта уч-тўрт йил анъанага кирган эркин микрофонлар эмас, тартиб билан сўз берилди. Лекин сўзга чиққанларнинг кўпчилиги вилоят Ёшлар Иттифоқининг ўтган давр ичидаги фаолиятига эмас, ўз туманларидаги ишларга тўхталишди. Вилоят ёшлар ташкилотига баҳо бериш учун бу ташкилотнинг бутун фаолиятидан хабардор бўлиш керак. Бу ҳаммага ҳам хос хислат эмас.

Ёшлар ташкилотидагилар замонга тез мослашишади. Ҳали эркин микрофонларда фикрларини очиқ айтишга кўпчилик журъат қилмаганда улар журъат топа билганди. Ҳатто республика съездларида зални тарк этишга ҳам ўрганишганди. Энди эса, бугунги кунга сокинлик хослигини сезишгандай.

Ёдимда. Самарқандда мухбирлик ишини бошлагандан кейин биринчи бор комсомолнинг вилоят конференцияси фаолиятини ёритгандим. Эҳ-ҳе ўйин-кулги, бир неча ансамбллар, кўргазмалар, гуруҳ-гуруҳ бўлиб суратга тушишлар. Ҳар соатдаги танаффуслар-у, йиғинни ярим кечасигача давом эттириш...

Конференциянинг Давлат мадҳияси билан бошланиб, шу мадҳия билан тугагани. Комсомол қўшиқлари залда жўр овозда янграгани. Кашшофларнинг табриклари, сон-саноқсиз қутлов телеграммалари.

Бир томондан қараганда, мана шундай кўринишлар ҳам ёшликнинг жўшқинлиги белгиси экан. Ёшликка сокинлик ҳар доим ҳам ярашавермас экан. Шу сабабми, Бухорода делегатларни табриклагани келган кашшофларнинг шеърлари уларни жуда-жуда хурсанд қилди.

Бир неча йилки, давлатга пахта тайёрлаш бўйича бухороликлар йиллик режани биринчи бўлиб бажариб келишмоқда. Шу ўринда конференция куни сўзлаган вилоят ҳокими Дамир Едгоровнинг мана бу гапларини келтириш ўринлидир:

— Пахтакорларнинг республика Қурултойида бухороликлар шаънига яхши гаплар айтилди. Бир неча йилдан бери режани биринчи бўлиб уддалаб келаяпмиз. Ҳосилдорлик 32 центнерга етди. Бу ҳеч қайси вилоятда йўқ кўрсаткич. Бу ғурурланишга арзийди. 1993 йилда ҳам бухороликлар биринчи бўлишга ишонч билдиришди. Буям ғурур.

Худди ана шу ғурур ёшликнинг, яратувчиликнинг асл белгиси. Ғурурли қалб ҳар қандай шароитда ўз номини, мавқеини сақлаб қолади...

Ёшлар Иттифоқидагилар ҳозир молиявий қийинчиликни бошдан кечиришяпти. Лекин маънавий қийинчилик бошимизга тушмасин.

Ёшлар Иттифоқидагилар ўша куни конференцияда бизнинг асосий ишларимиздан бири — ёшлар тарбияси, одоб-ахлоқ билан шуғулланиш бўлиши лозим, деб ҳақ гапни айтишди.

Конференция — бу қилинган ва бажарилган ишларни тафтиш қилиш эмас, ташлаган қадамингга орқангга қараб назар солишдир. Бу назар солиш, олдинга ташланажак қадамни қандай қўйиш учун керак.

Бухороликлар — содда, камтарин халқ. Балки ўша куни анжуманда айтилиши керак бўлган ибратли ишлар айтилмагандир. Балки биз сезмагандирмиз. Лекин сокинлик бор жойда ҳаёт бир маромда давом этаверади.

* * *

1993 йилда Бухорода халқаро миқёсда нишонланадиган бир сана бор. Бухоронинг 2000 йиллиги, Баҳовуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллиги байрам қилинади. Бу улуғ саналарни арзирли кутиб олиш ва тантаналарни ташкиллаштиришда Ёшлар Иттифоқида ишловчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлиши керак. Шу муносабат билан конференция қарорининг бир банди ана шу масалага қаратилди.

Конференцияда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Бухоро вилоят ташкилотининг Низоми қабул қилинди.

Конференция ишида вилоят ҳокими Дамир Едгоров, вилоят халқ демократик партиясининг биринчи котиби Ж. Нуриллаев, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг саркотиби О. Орзиматов, барча туман ҳокимлари иштирок этишди.

Баҳриддин Муҳиддинов бир овоздан вилоят ёшларининг саркотиби этиб қайта сайланди. Вилоят Ёшлар Иттифоқининг котиби бўлиб ишлаган И. Маҳмудов вилоят ҳокимлигига ишга ўтганлиги муносабати билан унинг ўрнига илгари шу ташкилотда ишлаган Сайёра Ҳамроева вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг котиби этиб сайланди.

Г. АЛИБОЕВА.
«Туркистон»нинг ўз мухбири.
Бухоро вилояти.

Ибратли тадбирлар

Тоҳирнинг отаси

Баҳром ака ажойиб иш қилди-да. Куни кеча «Абу Тоҳир» ширкати Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 77-ўрта махсус мактабига бир тонна шакарни хайрия тариқасида инъом этди.

Мактаб 8 йиллик. Унда етим-есир болалар тарбияланади, таҳсил олади. Бозор иқтисоди уларнинг ҳам қозонига «чўмич» урди. Илгариги тўкин-сочинлик йўқ. Ҳар қалай кўнгли тусаганларига ҳар вақт ҳам эришолмайди.

— Энди танқислик бироз бўлсада енгиллашади, — дейди мактаб муаллимлари.

— Яхшиям қўли очиқ, саҳий инсонлар бор экан. Уларнинг топган-тутганларига худо барака берсин. Ҳаммасиданам болаларининг қувонганини кўрсангиз эди.

— Тўғриси, шакар ўрнига пул берсак ҳам бўларди, — дейди биз билан суҳбатда «Абу Тоҳир» ширкати директори Баҳром ака Икромов. — Аммо ҳозир озиқ-овқат танқис. Пулга ҳам топиш қийин, баъзи маҳсулотларни.

Шакарни эса ширкат шартнома асосида Сингапурдан олган. Улар келажакда қўшма корхона қуришмоқчи. Бу ҳақда кейин. Ўрни келса батафсилроқ ёзармиз.

Ширкат иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо ибратли ишлар қилиб улгуришди. Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги «Дорал — Салом» масжидига 200 минг сўм ҳажмида пул ўтказишгани ўша хайрли тадбирларнинг бири холос.

Келажакда қилинмоқчи бўлган юмушлар, орзулар бисёр. Бу хусусда ширкат директори гапиришни унча хушламади. Балки мақтанишни, оғиз кўпиртиришни истамагандир? Нима бўлганда ҳам халқнинг, элнинг бахтига шундай танти йигитларнинг бўлгани маъқул.

СУРАТЛАРДА: «Абу Тоҳир» ширкати Қибрай туманидаги 77-махсус ўрта мактабга шакар олиб келган пайтидан лавҳалар акс этган.

Матн ва суратлар муаллифи **Муҳаммад АМИН.**

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **РОССИЯ** Олий суди биносида фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг иши юзасидан суд бошланади. 12 киши ҳокимиятни босиб олиш мақсадида фитна уюштиришда ҳамда ватанга хиёнат қилишда айбланиб, суд жавобгарлигига тортилмоқда. Улар 1991 йил августида давлат тўнтариши қилишга беҳуда уринишнинг бевосита ташкилотчилари ва қатнашчиларидир.

● **ГУДАУТ** ҳукуматининг қуролли тузилмалари яна Сухумига ўт очдилар. Денгиз порти яқинида 10 тадан кўпроқ снаряд портлади. РАТА-ТАСС мухбирининг хабарига кўра, шу пайт инсонийлик ёрдами ортилган теплоход портга яқинлашиб келаётган эди.

● **ҚИРҒИЗИСТОН** бундан буён расмий равишда Қирғизистон республикаси деб юритиладиган бўлди. Унинг конституцияси республиканинг ери, ер ости бойликлари, сувлари ва барча табиий бойликларини давлат мулки, деб эълон қилди.

Олий Кенгаш сессиясида «Қирғизистон республикасининг қонунларида белгиланган ҳолларда ва миқдорларда ер участкалари фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари мулки бўлиши мумкин» деган қоидани депутатлар кўпчилик овоз билан рад қилдилар. Республика президенти Асқар Акаев неча марталаб айтганидек, бу қоида қишлоқда эркин соҳибкорликни ривожлантиришга ёрдам бериши лозим эди, бироқ парламент аъзолари бошқача қарор қилдилар.

● **ТОМСК-7** кимё комбинатидан олинган маълумотларга кўра, фалокат содир бўлганидан кейин бу ердаги вазият барқарорлаша бошлаган. Давлат фавқулодда вазиятлар комитети матбуот шўъбасининг раҳбари Марина Рикликанинг РАТА-ТАСС мухбирига хабар қилишича, комбинатга туташ жойлардаги ер ва ҳавонинг радиация таркиби синчиклаб ўрганилмоқда.

● **АМРИҚОНИНГ** энг йирик шаҳарларидан бири Нью-Йоркда халқаро автосалон очилди. Ҳар йили ўтказиб туриладиган бу кўргазмага 120 та фирманинг 1200 га яқин янги моделдаги енгил автомобиллари ва автофургонлари қўйилган эди. Бу ерга келган кишилар шу йилги янгиликлар билан танишибгина қолмай, келажакка — 1995 йилгача ҳам назар ташлайдилар.

● **ХАНОЙГА** ташриф буюрган БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий Камбоджадаги террор ва миллатни тозалаш сиёсатини кескин қоралади. Бу мамлакатдаги ялпи сайлов белгиланган муддатда — май ойининг охирларида ўтказилиши учун БМТ ҳамма чораларни кўради, деб таъкидлади.

● **МИСР** хавфсизлик кучлари якшанба куни яна бир террорчилик ҳаракатининг олдини олди. «Ал-Вафд» газетасининг хабар қилишича, полиция германиялик ва франциялик саёҳатчилар тушган автобус тубига портловчи қурилма жойламоқчи бўлган номаълум террорчини ҳибсга олган.

● **БЕЛАРУСЬ** пойтахтида Оврўпада энг катта тайёрагоҳ ишга тушди. Янги тайёрагоҳ 66 минг 400 квадрат метр майдонни эгаллайди. У бир соат ичида қарийб 2 минг йўловчига хизмат қила олади.

● **АФҒОНИСТОН** Ислом республикаси ҳукумати бир йиллик тақиқдан сўнг аёлларнинг телерадио хизмати соҳасида ишлашига рухсат берди. Эндиликда ойнаи жаҳоннинг аёл сухандони ислом қонунларига риоя қилган ҳолда бошига қора рўмол ташлаб янгиликларни ўқиши мумкин.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

ИОРДАНИЯ подшоҳи Ҳусайн «Босния ва Герцеговина фожиасини тўхтатиш» соҳасида Ислом давлатларининг куч-ғайратларини бирлаштиришни ёқлаб гапирди. Эронда чиқадиган «Салом» газетасининг хабарига кўра, Иордания подшоҳи Эрон Президенти Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжонийга йўллаган мактубида «Босния мусулмонларининг азоб-уқубатларига халқаро ташкилотларнинг беларволигини» қоралади. У Эрон Президентини «Босния мусулмонларига ўтказилаётган тазйиқни ва уларнинг азоб-уқубатларини тўхтатиш» йўлида бошқа Ислом давлатлари билан ҳамкорлик қилишга чақирди.

* * *

АҚШ ВА ФРАНЦИЯ ҳарбий ҳаво кучларининг еттита юк ташувчи ҳарбий самолёти Шарқий Босниянинг тинч аҳолисига инсонийлик ёрдами ташлаб келди. Серб қуролли тузилмалари қуршовидаги Сребреница шаҳрига улар салкам 45 тонна озиқ-овқат ва дори-дармон элтиб берди.

* * *

РУАНДАНИНГ мухолифатчи ватанпарвар жабҳаси яқинда Африкадаги шу мамлакатнинг ҳукуматини қоралаб, у ўт очишни тўхтатиш тўғрисида май ойида эришилган битимни узлуксиз бузиб келмоқда, деди. «Жабҳа Руанда ҳукумати аҳдлашувларига хилоф иш тутаётганидан жуда ташвишланмоқда, — дейилади ташкилотнинг бу ерда тарқатилган баёнотида. Бизнинг назоратимиз остидаги жойларга қочиб келаётган фуқароларнинг айтишича, ҳукумат қўшинлари қуролсизлантирилган зонага жойлаштирилмоқда ва аҳолига жабр-зулм қилиш мақсадини кўзламоқда».

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МАТРОСОВ ЭМАС, МУҲАММАДЗЯНОВ

Улуғ Ватан уруши йилларида зирҳланган ўт очиш нуқтасини гавдаси билан тўсиб, беқиёс жасорати туфайли бутун дунёга танилган Александр Матросов аслида бошқирд миллатига мансуб Шокир Муҳаммедзянов экан.

Бошқирдистоннинг Кўнақбоев қишлоғилик Ш. Муҳаммедзянов айрим сабабларга кўра ўз исмшарифини ўзгартиришга мажбур бўлган. Кўпгина обрўли олимлар бу фактни тасдиқламоқдалар. Таниқли журналист Рауф Носиров ўзининг «Сиз қаерликсиз, Матросов?» номли китобида бу ҳақда жиддий далилисботлар келтирган.

КАЛТАК ЕГАН ЭРЛАР УЙИ

ОИЛАВИЙ можаролар муаммоси билан шуғулланувчи англиялик тиббиётчилар яқинда ўтказган тадқиқотларида аниқланишича, улар 341 та можарони кузатишган бўлишса, бу жанжалда 45 фоиз эркак жабрланган, аёллардан эса атиги 17 фоизи. Қизиғи шундаки, оилавий можароларда аёллардан бирортасиям жисмоний шикастланмаган, эркаклардан эса 19 фоизи ўз аёлларидан тан жароҳати олган ва шифохоналарга ётқизилган.

Жанжалларда аёлларнинг асосий қуроллари пичоқ, қайчи, това, кастрюл ва ҳоказолар бўлганлиги қайд этилган.

Эндиликда бундай ҳоллар юз бермаслиги учун «Оилага ота керак» ассоциацияси нафақат Буюк Британияда, балки бутун Оврупода ягона бўлган «Калтак еган эрлар уйи»ни ташкил этди. Бу ерга энди хотини уйидан ҳайдаб юборган бечора эрлар кўплаб мурожаат этишмоқда. Дарвоқе, мазкур уйда шифокорлар, руҳиятшунослар ва ҳатто оқловчилар (адвокатлар) ишлайди. Улар эркаклар устида иш олиб боришади, керак бўлса бечора эрни хотинидан қонуний ажратиб олишади.

САЛТАНАТНИ ҚЎМСАБ

ЁКИ ИМПЕРИЯГА ТАЛПИНИШ ҚАСАЛЛИГИ

Катта бир мавзенинг мартабали каттакони билан мусоҳаба уюштирдик. Суҳбатнинг қоралама матнини ўқиётиб, ҳамсуҳбатимиз ундаги айрим ибораларга эътироз билдирди. Аниғи, ўчириб ташлади. Матбуот юзини кўрмаган жумлалар қуйидагилар: «Собиқ шўро империяси даврида», «Қизиллар сиёсати», «Зўравонликка асосланган ҳоқонлик»...

У хатти-ҳаракатини оқлаб ўтирмади. Хижолат ҳам тортмади. Лўндасини айтиб қўйди: «Эртага нима бўлишини ким билади? СССР қайта тикланиши мумкин... Ана унда ҳар бир айтган жумланг учун жавоб берасан...»

Нима бу, қўрқоқликми? Эҳтимол эҳтиёткорликдир. Ҳар қалай андиша эмас.

Яшириб нима қилдик, кечаги кунни — «ривожланган социализм замонасини» қўмсаш касаллиги мавжуд. Саноқлигина одамларга илашган бўлса гўргайди. Яшашни фақат қорин ғамидан иборат деб билган оломонга эркинлик ҳақида ваъз айтиш ортиқча бўлганидек, кўр-кўрона эргашишга, ўзгалар этагига ўрганганларга мустақиллик баёнотидан гап очманг. Моғорлаган фикр, очилмаган кўз, қулликдан бўшамаган қўл... Мана уларнинг фожиаси.

Инкор қилмаймиз, айрим маҳсулотлар нархида тафовут бор. Нимагадир таққосласак, арзончилик, қайси бир камёбига нисбатан қимматроқ. Майли, қиммат! Аммо, булар ҳаммаси ўткинчи, вақтинча! Ҳукуматимиз беҳудага «ўтиш даври» атамасига урғу бераётгани йўқ. Бир йил чидармиз, икки йил, балки беш йил! Нима қилибди? Ҳеч бўлмаганда фарзандларимиз, келгуси авлод фаровон кунларда яшайди-ку! Қуллик нималигини билмай, ҳур, эркин умргузорлик қиладилади-ку! Ахир биз бугун фақат ўзимизни, қорнимизни ўйлаб яшаётганимиз йўқ. Табиатда авлодлар доимийлиги, зурриёт учун қайғуриш — бош масала-ку.

...Кейинги пайтда, икки банда юзлашган жойда баҳс, тортишув: «Москвада не гап?» сўрайди бириси. «Ельцин ҳалиям турибдими?». Иккинчиси киноя қилади. Биринчи банда халқ томонидан қонуний сайланган юртбошига ачиняпти. Уни ичичида қўллаяпти. У озод яшагиси келади. Майли, қорни тўқ бўлмасин, оёғидаги чориғи йиртиқ келсин. Ишқилиб, эндигина эса бошлаган истиқлол эпкинларига қора кучлар тўсиқ солмасинлар-да. Қув кўзларида киноя йилтиллаётган кимса эса тағин империяни — СССРни қумсамоқда. Миллион-миллион беайб жонларнинг суяклари устида қад ростлаган ёвуз ҳоқонлик гўё унинг паноҳи, беминнат қорнини тўйғазади, устини бутлайди, ўсмирлар ўзга ўлкаларда кимларнингдир манфаатини ҳимоя қилиб, кафансиз кўмилишмайди, бировларнинг тилида нутқ ўқишмайди, масжидларга ўт қўйишмайди, ибодатга бош эккан паллада ҳибсхоналарга олиб кетишмайди... У коммунизмда яшайди. Ариқларда бол оқадиган, дарахтларда пул мева тугадиган жамиятда шундай замонга етаман деб бобоси колхоз тузди, оч-наҳор ишлади. Орттирганига ўласи бузоқ харид қилган кунда пешонасига муштумзўр тамғаси ёпиштирилиб, Сибирга ҳайдалди, ўлиги ёт ерларда қолди. Шундай даврга етаман деб отаси урушдан ярим жон қайтса-да, қўлтиқтаёққа суяниб кетмон чопди, хароба юртни тиклади. Лекин бирикки бўлмади, йил ўн икки ой елкасини яғири чиқиб етиштирган ҳосилини сувтекинга олиб кетишди. Йил якунида бир жуфт керза этик беришди, кейинги мавсумда асқотар деб. Бечора у ҳам умри ариқларга тикилиб ўтди. Қачон бол оқаркан? Ҳазилмиди, чинмиди, бол фаҳм этгани кимёлашган оқава бўлиб чиқди. Жигарини сариқ кемирдию, бевақт дунёдан кетди. Ўзи-чи, ўзи? Не-не орзулари бор эди унинг. Ўғилларини шу умидлар қанотида ўстирганмиди? Бир куни чақириқ қоғози келди. Байналмилал бурчини ўташи керак экан. Ватан чақираётган экан. Жўнатди. Бир куни навқирон ўғли ўрнида темир тобут келтиришди.

Мана унинг, бечора бобосининг, ярим жон отасининг яшаб топгани, кўз юмилгунча орзу этгани — коммунизм!

Аллоҳнинг иродаси ила пешонамизга бахтли тақдир ёзилган. Кун келиб истиқлол туғини кўтардик. 1991 йилнинг 31 августида юртбоши имзо чеккан мустақиллик баёноти бизнинг асрлик орзумиз эди. У ўзича келмади, тақдир ҳазили эмасди. Бу озодлик учун бироз қон тўкмагандик. Қўқонду Хивада, Бухорою Тошкентда исёнкор боболар кўтаришганди шу туғни. 20-30-йилларда юзлаб мардлар шаҳид кетишганди. Машъум 32-йилда миллатнинг асл ўғлонлари қатағон ўқига дучор бўлишганди. Ҳаммасининг яккаю ягона орзуси армони шу эди. Юрт озод бўлса, қуллик емирилса, кишанлар узилса, дунёда ўз Ватанимиз, ўз тилимиз бўлса.

Россияда ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасида юзага келган ихтилоф — империя касаллигига чалинганларнинг иштаҳасини қўзғаб юборди. У ер-бу ерда қасоси соғинган муртадларнинг товушлари қулоққа чалинаётир. Улар кун-кеча пастқамда минғирлашиб, «қайтиш» замонига мадҳия битишмоқда эди. «Мен бутун дунёда 48 соатда тартиб ўрнатаман. Керак бўлса, шароит тақозо этса, уч-тўрт давлатдан кечаман!» деб алаҳсирарди, телбафеъл Жириновский дегани. «Фақат СССР инсониятни бахтли келажакка элтади. Қани шу кунлар кела қолсайди!» деб империя тобути тепасида кўз ёш тўкарди Умолатова хоним. Империя хасталигига чалинган бу кимсаларнинг бириси файласуф, бириси сиёсатдон, бириси собиқ коммунист. Энг «билағон» ўшалар, энг башоратгўй ўшалар. Аммо...

Аммо тарихнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Инсоният тараққиётининг инкор қилинмайдиган мутлақ ҳақиқатлари бор.

Жамият ҳам гўёки, бир тирик жон. Унинг яралиши — ибтидоси ва барҳам топиши — интиҳоси бор. Силсилалар шу қонуниятга бўйсуниб бир-бирларига ўрин бўшатадилар, бир-бирларига шарт-шароит яратиб берадилар.

Империялар тарихи ҳам баайни шунга монанд. Тарих қатламларида не-не империяларнинг суяклари ётибди. Асрлар дунёнинг тенг ярмини илкида тутганлари ҳам, зўравонлик ва ибтидодда не-не халқларни оломонга, муте қулларга айлантирганлари ҳам. Ҳар нарсанинг ўз замони, ўз ўлчови — умри бўлади. Империялар таназзулини ҳоқоннинг ношудлиги, тож-тахт талашишларгина эмас, қуллик кўрмай ўсган авлодларнинг қайта уйғонаётган руҳлари ҳам белгилайдилар. Тарихнинг бурилиш нуқтаси — инқилоблар, босқинлар билан ўлчанмайди, балки маълум бир империянинг инқирози, мазмуни халқларнинг озодликка эришиши, янги давлатларнинг пайдо бўлиши билан белгиланади. Шу тариқа сарҳисоб онлари етиб келади — янги босқичлар, ўтиш даврлари бошланади. Тарих янгича мазмун кашф этади. Дунёдаги энг эски ҳақиқатлар қайта бўй кўрсатади. Зеро, биз шундай лаҳзаларда яшаш бахтига мушарраф авлодмиз. Унинг оғирию, роҳати бизга аталган.

Тарих лаҳадига кўмилган империяларни қайта қазиб олиш, унга янгитдан тўн кийгизиш ҳаракати ҳамма замонларда бўлган. Узоқларга изғиб кетишга не ҳожат. 1991 йилнинг август фитнасини эсланг. Машҳур Янаев тўдаси мансаб илинжида эмасди — ўзларини тарбиялаган, ҳузур-ҳаловатига ўргатган, имтиёзлари чексиз имкониятлар берган зўравон тузумни сақлаб қолиш орзусида эдилар. Чунки, 1985 йилда бешикка беланган ҳурфикрлик, ошкоралик империя нонига мазахўрак бўлган консерваторларни бирин-кетин саҳнадан супуриб ташламоқда эди. Ўша кунларда Москвага илҳақ кўз билан тикилганлар қанча эдия! Бугун ҳам оз эмаслар. Нафақат у ёқларда...

Бу биринчи уриниш. Афсус сўнггиси эмас. Ҳали яна қанчаси бўларкин? Бугун Москвада рўй бераётган жараёнлардан шу ҳаракатнинг ҳиди келаяпти. Уни ифлос панжаларида бозорга солаётганлар, оми халқнинг бозор иқтисоди қийинчиликлари қошида ўйланиб қолган қисмини ром этаётган тоифаси машъум иркит танадан ҳам қўрқинчлироқдир.

Бу гапларимиз бир умр ёнида партбилетини олиб юрган, коммунистликни ҳалол яшаш ва ҳалол ишлаш деб билган минглаб одамларга таъна эмас. Бу коммунизм тарих мулкига айлангач, ўз тахтиравонидан жудо бўлганларнинг нафақат ғоя учун, балки салтанат учун кураш мақсадида ғимирлаб қолганлари учун айтилмоқда. Қизиқ бир ҳол. Русияда коммунизмдан қандай енгиллик билан воз кечилган бўлса, у яна шундай тезкорлик билан бош кўтармоқда. Бизда эса ўша машъум ГКЧПдан сўнг коммунистлар Русиядагидек таъқиб остига олинмади. Уларга йиғилиб, ташкилот тақдирини ҳал қилиш имкони берилди. Шу зайл мамлакат катта бир ҳалокатдан, яъни ҳозирги Москвада рўй бераётган тўполонлардан халос бўлди. Бу ҳақда Президент Каримов шундай деди: «Сен коммунист, сен фалончи деган каби ўртага раҳна солувчи маломатлар қилмадик. Билардикки, ҳаммамиз эски замондан ўсиб чиққанмиз. Ўтмишни тафтиш қилиш ёки уни инкор этиш ўз илдизимизни ўзимиз кесишимиз билан баравар эканлигини яхши англадик ва шу тариқа халқимизни пароканда бўлиш балосидан қутқариб қолдик».

Пароканда бўлиш балосидан қутилиб қолган халқ эса ҳеч маҳал ўз бошига тушган мусибатларни унутмайди, алдамчи сиёсатга қурбонлик бўлмайди.

Империя касаллиги ўтувчан иллат. Бир кун қалби тоза, қулликка кўникмаган авлод қад ростлайди. Истиқлол йўлига дадил кирган давлатимиз сиёсатининг серҳосил мевалари бўлади улар. Улар орқага қайтмайдилар. Биладиларки, «орқадаги кўприклар ёниб кетган!»

Аҳрор АҲМАД,
Рўзимбой ҲАСАН.

Бошимда кўтариб яшайман

Биринчи мактуб

Муҳаббатга чора йўқ, дейдилар. На бир таскин, на ҳаёт ташвишлари уни унутдиргани қўймас экан.

Катталар айтишарди. Ҳар нарсанинг давоси вақт, кун ўтган сайин муҳаббат ҳам унутилади деб. Мен бунга ишонмайман. Ахир қандоқ ҳам ишонай. Оилали, уйли-жойли бўлганим билан ҳамон унинг ёди билан яшаётган бўлсам.

10-синфдалигимда бир қизга кўнгил қўйдим. Биз бир-биримизни жуда ҳурмат қилардик. Мактабни тамомлаганимиздан кейин ҳам кўришиб турдик. Бу орада ҳарбий хизматни ўтаб қайтдим. Тақдирни қарангки, биз бир жойда ишлай бошладик.

Н. ларнинг уйига совчилар келаётганини, ота-онаси ҳоҳишига қарши туролмаслигини билардим. Лекин ўша пайтда уйланишга менинг ҳам имконим йўқ эди. Икки опам пединститутда, акам технология олийгоҳида, укаларим мактабда ўқишарди. Мену, ўқишдан кейин акам ишлардик.

Шундай қилиб, Н. бошқага турмушга чиқди. Гарчи бу воқеага ўзимни тайёрлаган бўлсам-да, жуда қийналдим. Энг яқин кишимдан айрилганимни кейинроқ тушуниб етдим. Уни унутишга интилганим сайин, ҳаммаси баттарроқ бўларди. Кўрмасам ёдимдан чиқар, деган ниятда у ишлаётган жойдан бўшаб кетдим.

Орадан озми-кўпми вақт ўтиб, уйдагилар мени уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. Келин ҳам топилди. Нон синдирилди, тўй куни белгиланди. Мен учун кимга уйланиш барибир эди. Шу сабаб учрашувга чиқмадим. Бу орада Н. ни уч маротаба кўрдим. Касалхонада ётганида кўришга бордим. У ўғиллик бўлди. Мен эса ҳамон уни соғинардим. Бу учрашувлар «ярамни» янгиларди.

Тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Ана шундан кейингина тузатиб бўлмайдиган хатоликка йўл қўйганимни англаб етдим. Тўйимизнинг дастлабки ҳафтасидаёқ отпускада бўлишимга қарамай, ишга тушиб кетдим. Уйга кеч қайтардим, ичишни одат қилдим. Уйда бўлган пайтларимда ҳам телевизор олдидан нарига кетмасдим. Бу ҳол унга ёмон таъсир қиларди. Ўйлаб кўринг, бир ойлик келинчак, эридан бир яхши гап эшитмаса, эркалик қилолмаса.

Унга раҳмим келарди. Бироқ, сохта илтифотларим самарасиз кетарди. Охири чидолмади, мени нимага ёмон кўрасиз, деб сўради. Ёмон кўрмайман, лекин яхши ҳам кўролмайман, деб айтдим. У индамади. Сабр-тоқатига ҳайрон қолардим гоҳо. Айтганларимни сўзсиз бажарарди. Қилдан қийиқ ахтаришларимга табиий ҳол деб қарарди. Пазанда, эпчил, чаққон аёл битганди пешонамга.

Балки ношукрдирман. Нима десаларинг, деяверинглар. Барибир оиламиз пойдевори омонат қурилган. Эрта бир кун арзимаган шабададан ағдарилиб тушадиганга ўхшайди.

Ахир мен бировни севаман...

АЛИШЕР.

1991 йил.

Иккинчи мактуб

Вақт ҳамма нарсага чора, деганларига энди ишондим. Сизларга хат ёзганимдан кейин ҳам ҳаётим ўзгармади. Менинг феъл-атворимдан ранжиган уйдагилар рўзғоримизни алоҳида қилиб қўйишди. Рўзғор ташвиши бошимга тушиб, уйга анча жон тортиб қолдим.

Биз фарзанд кутардик. Шу муносабат билан уй ишларидан ҳам четда туролмасдим. Бу нарса бизни бир-биримизга яқинлаштирди. Аёлимга бошимдан ўтганларни айтиб бердим. Энг муҳими у мени тушунди. Бу нарсани бирор марта юзимга солгани ёки таъна қилгани йўқ. Олдинроқ эшитгандим, деди холос. Тўйдан кейин маст бўлиб келган пайтларимда Н. ҳақида кўп гапирарканман.

Гўё ҳеч нарса бўлмагандек яшайвердик. Ўғиллик ҳам бўлдик. Ўғлимга шунчалик боғланиб қолдимки, муҳаббат ҳақида ўйлашга фурсат ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ эди менда.

Бу орада ёмон хабар эшитдим. Йиллар давомида ёниб куйганим, интилиб яшаган кишим биров билан юриб кетибди. Эри бу ҳақда ҳеч нарса билмасмиш...

Энди мени муҳаббатга етказмаган тақдирга шукроналар айтаман. Менинг эркаликларимга, сабр-бардош билан чидаб келган, бир оғиз ёмон гап айтмай, яхши кунларни кутиб яшаган ўғлимнинг онасини бошимда кўтариб яшайман.

АЛИШЕР,

1993 йил.

Ҳаёт сўқмоқларида

Тақдирин қўл билан яратур одам

Етти ёшли болакай пахтазор оралаб эшак миниб борар экан, юраги қоврилиб кетаётгандек ғужанак бўлар, мудҳиш ҳодисадан қавми-қариндошларини огоҳ қилиш илинжида ҳаром қотгур ҳангини халачўп билан «сийлар» эди.

Унинг бошига оғир бир мусибат тушганди. Онаси қирқ ёшни ҳатлар-ҳатламас бу фоний дунёни тарк этган. Узоқ муддат давом этган оғир хасталикнинг зил-замбил тоши муштдеккина бўлиб қолган вужудни эзғилаб, охир-оқибат жон таслим қилган эди...

Ғанишер азобларини, айрилиқнинг армонларини тушунтирмоқчи бўлар, аммо бунинг уддасидан чиқолмасди. Афсуслар бўлғайки, у сўзларни тил билан ифодалаш қудратидан бенасиб эди.

Новбур қишлоғилик Парда бобо Эгамбердиев анча обрў одам. У аёли қазо қилгандан кейинги йилларда фарзандлари учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини қилди. Шу ўғли Ғанишернинг тақдири ҳақида кўпроқ ўйлади. Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)га олиб бориб, дўхтирларга кўрсатиб ҳам келди.

— Ғам еманг, ўғлингиз йигирма беш ёшида бинойидек гапирадиган бўлиб қолади!

Бобонинг бу сўзлардан қанчалик суюнганлигини таърифлашга сўз ожиз. Қувончини ичига сиғдиролмас, сафар таассуротлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирар эди.

Лекин, баъзан сен интилган умид сароб бўлиб чиқса, ўзингни қаерга қўйишни билолмас экансан. Ғанишер аллақачон йигирма бешни уриб қўйди, лекин гапиролмади.

Бир куни отаси, акаси Алишер, янгаси Соҳибжамол ва бошқа қариндошлари уни ўртага олишди.

— Сени уйлантириб қўямиз!

Оғайниларнинг сулув-сулув, эсли-ҳушли, ишда чарчамайдиган қизлари бор. Уларнинг бировини сайлаб ол!

Ғанишер бўлса оёқ тираб туриб олди. Ҳеч қайсиси унинг таъбига ёқмас эмиш. У нимагадир қўл силтар, баъзилар кўнглида Ғанишер уйланишни хоҳламаяптимикин, деган совуқ гап ўрмалагандек ҳам бўлди. «Севгани бор эмиш. Ўғлингизнинг ўзи билан бирга ўқийдиган, ҳа, Шўрчидаги гунглар мактабида бирга-бирга ўқийдиган қизга кўнгил қўйган эмиш».

Эҳ, аттанг, энди ўлганнинг устига тепган деганларидек, хотини ҳам гунг бўладими? Ўзи кўнгли ярим бўлса, ҳафа қилиб қўймайлик тағин, дейишди қариндошлари маслаҳатни бир жойга қўйишиб.

Худди ўзи каби худо тилдан қисган қиз Мавлудага кўнгил қўйиб янглишмадимикин? Ғанишер хато қилмаган эди. У тўрт мучаси соппа-соғ, тили ҳам бийрон, гўзал қизни эмас, айнан ўзи билан иссиқ-совуқни бирга татиган, гунглар мактабининг «тупроғини ялаган» қиз билан никоҳдан ўтди...

Ғанишер яна шуни дуруст фаҳмлар эдики, унга сирдош, ғамдош, елкадош ва ғаройиб, сирли-сеҳрли суҳбатдош бўла оладиган қиз жуда-жуда зарур! Ҳаёти шундагина завқ-шавқли ўтади, кўнгил сандиғини сеҳрли бармоқлари ва қўллари билан фақат ўзи каби тақдирнинг қалтис ҳазилига гирифтор бўлган инсонгагина оча олади!

[Давоми 4-бетда].

СЕВГИММИ БУ, МЕҲРИММИ БУ?

Бир ҳафтадан бери кўзимга уйқу келмайди. Фақат хаёлимда бир савол — «Тўғри қилдимми? Севгим билан меҳримни ажрата билдимми?».

Бир бошдан айтиб бермасам, ҳеч нимани тушунмаяпсиз-а, опажон. Менинг бир дугонам бўларди. Жуда яқин бўлмасак-да, ҳарқалай у менга барча сирларини айтарди. Айбим унинг сирларини тинглаганим. Дугонам синфдош йигитни ёқтирарди. У йигитнинг дугонамга бўлган муносабатини аниқ билмасдим.

Нимагадир уларнинг тўйи бўлишига иккиланардим. Юрагим ишонмасди. Дугонамнинг гапларини эшитиб, уларнинг бирга бўлишини худодан тилардим ҳам.

Бир куни дугонам олдимга келди. Унинг ёнига бирга бориб келишимни илтимос қилди. Анчадан бери хабар йўқ экан. У бошқа шаҳарда ишларди. Мен жуда ноқулай аҳволда қолдим. Жуда илтимос қилгандан кейин бирга бордим. Уни кўрдик. Ишлаб юрган экан. Бирга шаҳар айландик. Нимагадир уларнинг муносабати мени ҳайрон қолдирди. Йигит дугонамга жуда совуққон, эътиборсиз эди. Ҳарқалай менга шундай туюлди.

Қайтиб келганимиздан кейин орадан кўп ўтмай, йигитдан хат келибди. Дугонамга уйлана олмаслигини ёзибди.

Дугонам жаҳл қилиб, бошқа бир йигитга турмушга чиқиб кетди. Унинг кўз ёшларини кўриб, ўша йигитга нисбатан юрагимда нафрат пайдо бўлди. Табиийки, дугонамга ачиндим. Орадан икки-уч йил ўтди. Дугонам фарзандли бўлди. Борди-келди қилиб турардик.

Бир куни... ишдан келсам, эшик қатига бир хатча қистирилган турарди. Ўқиб, ҳеч нима тушунмадим. Тушунганим мени кимдир зарур иш билан излаб келган, белгиланган куни яна келишини айтган.

Ўша куни нотаниш кишини кутдим. Эшик қўнғироғи чалинганда ҳам хаёлимда иш юзасидан бўладиган бирор нарса бўлса керак, деган фикр бор эди. Шу пайт эшикни очдим-у, уни кўрдим. Кўзларимга ишонолмадим. Уни қайта кўраман, деган фикр ҳеч қачон хаёлимга ҳам келмаганди. Уни кўрдим-у, кўзлари ёшли дугонамнинг қиёфаси кўз олдимга келди. У мендан бир масалада ёрдам сўраб келган экан.

Унга бўлган нафратим ҳали ҳам борлиги учун илтимосини бажармадим. Лекин ёмон ҳам гапирмадим. Ёмон гапиришга асосим йўқ ҳам эди.

Энди эса ўша куни унга эшик очганим учун ўзимни кечиролмайман. Балки ҳаммаси бошқача бўлармиди. Лекин бандасининг айтгани эмас, худонинг айтгани бўлишига ишониб ўтирибман.

Хуллас, у йигит энди тез-тез менинг йўлимда пайдо бўладиган бўлди. Ҳар сафар мени бехосдан учратиб қолганини айтарди. Мен ишониб юрдим. Кейин билдимки, у мени пойлаб юрибди.

Унинг мақсадини тушунолмасдим. Орқамдан пойлагани учун жаҳлим чиқарди. У билан ҳатто саломлашсам ҳам дугонамнинг юзига оёқ босгандай ҳис қилардим ўзимни. У эса бу шаҳарда мендан бошқа таниши йўқлигидан, нимага ундан ўзимни олиб қочишимдан озорланарди.

Тўғрисини айтсам, унга раҳмим келарди. Бу раҳм туйғуси менда анча олдинроқ, у ҳақда дугонам гапириб берганда пайдо бўлганди. Унинг ота-онаси йўқ эди. Жуда қийинчилик билан катта бўлганини, институтни ҳам минг бир азоблар билан тамомлаганини билардим. Кундуз кунлари ўқиб, кечаси ишлаганларидан ҳам хабарим бор эди. У болалигидан ўз кунини ўзи кўришга мажбур бўлганлардан эди.

Орадан ойлар ўтиб борар, у йўлларимни пойлашни бас қилмасди. Мен бир нарсадан унинг менга ўрганиб, менинг унга боғланиб қолишимдан чўчирдим. Ахир меҳр кўзда дейишади. Айтганим бўлди.

— Сизсиз яшолмайман. Сиздан бошқа бу дунёда менинг яқин кишим йўқ. Ёлғиз сизгина мени тушунасиз, деди бир куни.

— Сиз мени билмас экансиз, мен нимага сизга яқин киши бўлар эканман. Сизнинг яқин кишингиз ким бўлганини эслатишим мумкин? — қўрслик қилдим мен.

Гуноҳим — уни тушунганим бўлди. Ахир уни тушунардим. У буни сезганига қойил қолдим. Чунки мен ҳам у каби дили ғамли эдим. Менинг ҳам у каби қанотларим қайрилган эди — ота-онам йўқ эди.

У меҳрга зор эди. Мен ҳам. Буни ичимда тан олсам-да, тилимда бошқа сўз эди. Унинг гуноҳи нимадалигини билмасдим. Лекин нимани ўйламайин, нимани гапирмайин, доим кўз олдимда унга етишолмаган дугонамнинг ёшли кўзи тураверарди.

Бир куни уни қаттиқ хафа қилдим. Иккинчи кўзимга кўринма, дедим. У кетди. Назаримда ўша дақиқада юрагимдан нимадир узилгандай бўлди. Бу унга ачинишми, ё бошқа туйғумиди билолмадим. Билганим унга ўрганиб қолган эканман. Юрак ўз ишини қилиб бўлган экан. Кечаси билан ухлай олмадим. Тонг пайтигина кўзим илинди. Ўшанда ҳам туш кўрибман. Тушимга марҳум отам кирибдилар. Мендан хафа эмишлар. Худди тирикдай гапирдилар.

Эрталаб туриб, унинг олдига боришга аҳд қилдим. Лекин нима дейман. Хафа қилганим учун кечирим сўраб келдим, дейишга қани менда тил.

Бордим. Кечаси билан ухламагани кўзларидан билинди. Лекин қайсарлигим устун келди. Бошқа бир иш билан борганлигимга уни ишонтирмоқчи бўлдим...

Кунлар ўтиб борарди. Шундагина бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш пайти келганини билдим. Дугонамни йўлда кўриб қолдим. Унга бу ҳақда гапириб бермоқчи бўлдим. Тилимни нимадир ушлади.

Дугонам қўлида кўтариб олган боласини эркалади. Назаримда у бахтли эди. Оиласи, фарзанди бор. Мен эса унинг бир пайтлардаги севгиси учун ўзимни ҳам, йигитни ҳам қийнаб юрганимни ҳис қилдим. Балки йигит дугонамни севмагандир. Синфдошлик ҳурматини дугонам бошқача тушунгандир? Ё тақдирлари бир-бирига боғлиқ бўлмагандир.

...Нимага фақат уни ўйлайсиз. У боласи, оиласи билан тинчгина яшаб юрибди. Менинг гуноҳим сизни ёқтирганимми? — деди у.

Мен севги, ширин сўзларга учадиган ёшда эмасман. Лекин унинг туйғулари устидан кулишга ҳам ҳаққим йўқлигини биламан.

Тўғрисини айтсам, уни йўқотишдан қўрқаман. Лекин шунча йил юрагимда жиловлаб асраган покиза туйғуларимнинг эгаси бўлишга у арзирмикан?

Бугун у келади. Бу унинг охирги ё бир умрлик келиши бўлади. Журъат бер менга, юрак. Токи бир қарорга келайин. Бу шундай қарор бўлсинки, кейин афсусланмайин.

Дилимдан ўтганларни нимага сизларга айтдим. Ўзим ҳам билмайман. Лекин кимгадир айтишим керак-ку. Ғамлар кўраверган юрагим ҳозир ожиз бўлиб қолган. Ўзига барча ўй-дардларини сингдира олмаяпти.

Гуноҳим — уни тушунганимми? Ё бу севгими ёхуд ачинишми?

Интизорнинг айтганларини
қоғозга туширувчи
Гули ЧЕҲРА.

Бир рубобнинг икки тори

ҲАЁТ КЎПРИГИ...

Б. ТОҒАЕВ суратэтюди.

МАҲРУМЛИК

Кўкда сузиб юрар танҳо ой — эрка,
Ҳатто юлдузларни қилди жон ҳалак.
Тонглари кузатиб, оқшом қаршилаб,
Икки бор қизарар ошиқи фалак.
Ҳавасим...
Ҳасадим келади жуда,
Мендан бахтли эрур ул ошиқ само.
Бир умр қизариб кутсам-да сени,
Кузатиш бахтидан бўлганман жудо.

Нодир БЕК.

Сиз нима дейсиз?

МЕН КИМДАН ҚАРЗДОРМАН?

Дада, озгина вақтингизни менга ажратинг. Шу хатимни эринмасдан ўқинг, жон дада! Юрагим тўлиб кетди! Айтмасам бўлмайди энди.

Мен ҳозир олийгоҳнинг биринчи курсида ўқияпман. Биринчи ярим йилликда учта имтиҳоннинг иккитасидан «аъло», биридан «яхши» баҳо олдим. Ҳаммамиз қисқа муддатли таътилга бориб қайтдик. Уйга борсам, онамлардан аввал дадам ҳол сўрадилар, «имтиҳон дафтар»чамни қўлларига олиб, баҳоларимни кўриб, чунон яйрадилар, чунон яйрадиларки... Ё кўнглим учун шундай қилдиларминкин? Йўқ, йўқ, дадамларда ҳеч қачон сунъийликни сезмаганман, доимо юракдан гапирадилар. Ўн ёшга тўлган куним уйимизда алоҳида нишонланди. Дадам кичкина сумкача тақдим қилдилар. «Катта бўлганингда катта сумка олиб бераман», дедилар. Мана, ўша сумка ёнимда турибди. Менинг учун энг катта совға, энг яқин дилнинг меҳри бу.

Ўша куни дадам тунги сменага кетдилар. Аям укаларимни ухлатиб, менинг ёнимга келиб ётдилар. Пешонамни силаб, қучоқлаб йиғладилар. Мен ҳайрон эдим. Тун алламаҳал бўлиб қолганди. Нимадир «тап» этди. «Нок тўкилди» дедилар сочларимни силаб. Охири аям юракларида борини айтишга қарор қилдилар шекилли, бир сирни очдилар:

— Энди катта бўлиб қолдинг, қизим. Айтмасам, барибир бир кун биласан, унда мени койиб юрасан. Билганинг яхши. Лекин ҳеч кимга индама. Мабодо, бирор ҳаракатинг билан ё дағаллик қилиб отангга сездириб қўйсанг, кўнгиллари оғрийди, қизим.

Бу гапни эшитиб, нафасим ичимга тушиб кетди. Гапнинг қолганини энтикиб кутардим. Ўша кунлари шамоллаброқ қолган эдилар. Йўталлари қистади. Анчадан сўнг айтдилар: «Ўз даданг Тошкентда, институтда ишлайди».

«Ия, бу дадам ким? Ўз дадам бўлмаса нега мунча меҳрибон?»

..Бир ярим ёш эканман. Онамнинг оилалари ўзига анча тўқ, бадавлат хонадон экан. Қанақадир бир меҳмон чақирдига аям мени кўтариб, сиз уч-тўрт ошналарингиз билан келибсизлар. Афтидан, тугун қилиб олиш эсингизга келмабди. «Нечук қуруқдан-қуруқ келади! Таги паст билан яшайдиган қизим йўқ!» деб катта бувим туриб олибдилар. Қуда-андачиликда анча гап ўтибди. Хуллас, аям томон зўр келишибди. Сиз бир йилдан кейин ўқишга кетибсиз. Кейин ойимни қариндошнамо кишига — ҳозирги отамга узатишибди.

Беш укам бор. Мендан кейингиси қиз, қолганлари ўғил. Ҳаммаси ўқийди. Мактабдан келишим билан биринчи мен сўрашаман. Дадам ҳам менга диққат қилиб, кейин укаларим билан гаплашадилар. «Сир» ошкор бўлгач, менгаям қийин бўлди. Укаларимни сўкиб, уриб турардим. Дадамлар чақирсалар баъзан эшитмаганга олиб, кетиб қолардим. Энди ҳушёр тортиб қолдим. Йўқ, дадам бирор марта заҳархандалик қилмадилар, жеркиганларини эслай олмайман.

Дадам ҳар бир ишимдан — дастурхон ёзишимдан пиёла ювишимгача, ҳовли супуришимдан укаларимни овутишимгача, масала ечишимдан шеър ёдлашимгача — ҳаммасидан фақат яхши сифат қидирардилар. Ўйинқароқлик қилиб, кўчадан кечроқ келсам, ойим нолисалар, дадам гап-сўзсиз «сўкма» дегандай қарайдилар. «Энди ундай қилмайди, ойиси, шундоқми, қизим?» деб қўядилар. Биласизми, дадам уйда бўлган кунлари байрамга ўхшайди...

Ҳа, дадам олий маълумотли эмаслар, кўп китоб ўқимаганлар, аммо шеърни, ҳикояни яхши кўрадилар. Заводда ишлайдилар. Ўртача яшаймиз. Аммо бирор тўй, бирор йиғин дадамсиз ўтмайди. Маҳалла оқсоқолларийм ҳар хил маслаҳат билан келиб туришади. Менгинамас, биз ҳаммамиз дадам билан фахрланамиз.

Айтгандай, ўқишга киргунимча дадамнинг чеккан ташвишлари! Олийгоҳда танишлари йўқ эди. Танловдан ўтиб борсам, дадамнинг севинганлари. Менинг ўқишим у кишига шунчалик зарур эканми!

— Хайрият, қизим, балли, қизим! — деёлдилар, холос. Беш кун ўтгач, институтдан бир хат келди: «Ҳурматли Н. Содиқов! Сиз ўстирган фарзанд билан биз ҳам фахрланамиз. Қизингиз Муҳтарам олийгоҳнинг инглиз тили бўлимига қабул қилинди. Қабул Комиссияси».

Дадам хатни ўқиб бўлиб, пешонамдан ўпиб йиғлаб юбордилар. «Сендан минг бор розиман, бахтли бўл, қизим!» — дедилар. Шу пайт дадамнинг энг яхши кўрган инилари Аҳмаджон акам кириб келдилар. У кишини нега бунчалик яхши кўришларини сўраганимда, мийиғларида сал кулиб жавоб қилган эдилар:

— Мен туғилганману, онамдан айрилганман... Умри бўлса ўлмас экан одам. Мана шу Аҳмаджон акангнинг онаси оналик қилган менга. Аҳмаджон акангдан умр бўйи қарздорман, унинг ҳақини еб ўсганман.

Отамнинг тарихи ҳақида билганим шу. Балки менга меҳрибончилигиям шундандир. Йўқ, «балки» деган сўз ўринсиз дадам учун. Улар шунақа олижаноб одамлар. Шунинг учун ҳам дадамни ҳеч кимга, ҳеч қанақа шоҳга алишмайман. Сиз, хафа бўлмангу дадамнигинамас, ўша ёғ ҳиди келиб турган ҳатто эски халатларинииям ҳеч кимга алишмайман. Ўн икки ёшга кирганимда кўричак билан оғриб қолганимда дадагинамнинг парвоналиги...

Бу хатни йиғлаб ёзаётганимни биляпсизми? Ёзмоқчи эмасдим. Олийгоҳ қизиқ жой экан. Ҳамма илмга интилади. Ҳамма китоб ўқийди. Билганнинг юзи ёруғ, билмаганни ҳамма ёмон кўради. Дарс, лекциялардан ташқари ҳар хил кечалар, тўгараклар, учрашувлар... Бир адабиёт ўқитувчимиз «Ота-она ва фарзандлик бурчи» мавзуида суҳбат ўтказди. Кимга қанақаю менга қаттиқ таъсир қилди. Худди менга қараб гапираётгандай туйилаверди. Ишонинг, бирор кишига тиш ёрганим йўқ эди.

Ўша, ойим айтган кундан бошлаб, рости, менда юрак иккита бўлиб қолди: «Бири: «ҳозирги дадамдан буюги йўқ» деса, иккинчиси: «У дадам қанақайкин, кимга ўхшаркин?» дейди. Аямни ҳоли-жонларига қўймай, расмингизни топтирдим. Салқи юз, қошингиз туташгангина. Кулиброқ турибсиз. Худди мазах қилаётгандай. Бу қандоқ гап? Лекин юрагимнинг бир чеккасида дард, армон кучаяверади: «Тугун ўлсин! Дадам тугун тополмаганмидийкин! Нега иккиси гапни битта қилмайди! Ойи, гўлсиз, содда экансиз! Йўқ, ойимку содда, дадам-чи? Дадам журъатсиз экан, бемеҳр, тошбағир экан!.. Ахир бирор марта кўргиси келмайдими? Менинг гуноҳим нимада?»

Бир кун расмингизни китоб билан кутубхонага топширворибман. У қўлма-қўл асар экан денг яқин бир ҳафта ахтардим. Томоғимдан сув ўтмади. Кутубхоначи Манзура опа топиб, қўлимга бера туриб, маъноли кулиб қўйди. Раҳмат дедиму, индамадим. Тушунтириб ўтиришга бало борми! Ҳатто расмингиз ҳам бир илиқлик бахш этмади, дада.

Мактабимизда «Ўткир зеҳнлилар мушоираси»га тайёргарлик қизиб кетди. Савол-жавобда қатнашишдан кўра, Тошкентга бориш иштиёқи зўр эди менда. Биласизми, поезддан тушибоқ кўзим одамларда бўлди. Трамвай, автобусда жовдираганларим... Олийгоҳлар ёнидан ўтганимизда, юрагим унинг остоналарида қолиб кетарди. «Телевизорда чиққанимиздан кейин истаб келсалар-а». Йўқ, эсингизгаям келмадим, чоғи!

Дада, мен айтдимку, дадамни ҳеч кимга алмашмайман, деб. Аммо ҳайронман. Дарс тинглаб туриб, хона эшиги ногаҳон тақиллаcа ҳам Сиз сўраб келдингизмикан, коридорда турибсизмикин, деб талпинаман. Хаёл олиб қочаверади, мени. Ота дилидан тушиб қолган фарзандман десам, яқиндагина нафақа тўловидан қутулдингиз. Уни ойим олиб, кам-кўстимга сарф қиптилар. Демак, қизингиз борлигини биласиз. Лоақал бирор кишидан мени излаганингизни эшитмадим. Нимадан дарс берасиз олийгоҳда? Ота-она, фарзандлик бурчи хусусидаги гурунгларда Сиз ҳам қатнашасизми? Ё техниканинг тилини тушунтирасиз, холосми? Майли, қани айтинг-чи менинг отам ким? Кимдан мен қарздорман? Фарзандлик бурчим кимга муносиб? Менинг гуноҳим нима?

Хайр, хатимни ўқишга кетган вақтингиз учун кечирим сўрайман. Юрагимни қоплаган ғубор анча тарқалаёзди. Баъзи сўзларим дағал чиқиб қолган бўлса авф этгайсиз. Ҳурмат билан ўша ўзингиз исм қўйган

Муҳтарам номли қиз».

Мактубни Нуриддин
БОБОХЎЖАЕВ оққа кўчирди.
Наманган.

ФИКР ЙЎҚ, МУҲАББАТ ЭСА...

(ҚАТРАЛАР)

Бир файласуф дўстим муҳаббатни ўзича таърифлайди:

— Ҳақиқий муҳаббат — севишганлар бир-бирларига етиша олмаганларидагина боқийдир.

Ва яна қўшимча қилади: — Эришилган муҳаббатнинг умри қисқа.

Яна унинг оғзини пойлайман. Кўзларига тикиламан, узоқ тикиламан, аммо ҳеч қандай маъно уқолмайман.

— Нотўғрими? — Совуқ ҳолатимдан таажжубланади у. Индамайман. Дўстим асабийлаша бошлайди.

— Гапирсангчи, ҳар бир одамнинг ўз фикри бўлиши керак ахир.

— Менда фикр йўқ, муҳаббат эса... бор, — паст оҳангда жавоб бераман.

* * *

Ҳарбийда андижонлик бир йигит бор эди. Қишлоқда қолган севгилиси ҳақида менга кўп гапирарди-ю, лекин бир нарсадан кўп нолирди.

— Хизматимга бир йил бўляпти-ю, Бибигулдан бирор марта хат олганим йўқ.

Бир куни тунда навбатчилик қилиб юрсам, караватлар орасидан ўша аскар йигитнинг овози эшитилди. У ухлаётган жойга бордим.

— Бибигул, нега хат ёзмайсан? Бибигул...

У алаҳсирарди. Мен жимгина нари кетдим.

Н. МАҲМУДОВ.

Бизнинг мусоҳаба

Курашлар ҳали олдинда

ДЕЙДИ МУХБИРИМИЗ БИЛАН СУҲБАТДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПРОКУРОРИ УЛУҒБЕК ИНОМЖОНОВ

— Республикамиз Президентининг шахсан кўрсатмаси билан уюшган жиноятчиликка қарши ўт очилганлиги, айниқса, бу борада Андижон вилоятида муросасиз кураш олиб борилганлиги ўз вақтида ташланган қадам бўлди, шундай эмасми?

— Гапнинг очиғи, айримлар демократия ва эркинлик, бозор иқтисодиёти томон ҳаракатни ўз тошу-тарозиси билан ўлчадилар. Шунинг учун кимлардир бойлик орттириш, бошқа биров зўравонлик, муттаҳамлик билан пул ишлаш йўлига ўтиб олдилар. Уларнинг ноинсофликлари шундайлигича ҳам қийин кунларни бошдан кечираётган аҳоли бўйнига юк бўлиб тушди.

— Уюшган жиноятчиларнинг аксарияти ёшларни ташкил этади. Уларнинг қўлида ажал қуролларини кўриш ачинарли, айни чоғда даҳшатли.

— Уюшган жиноятчилар автоматлардан тортиб, жанговар гранаталаргача сақлашяпти. Гиёҳванд моддаларини-ку, қўяверинг. Шундай экан зўравонлик йўлига ҳам ўтиб олишади. Бундайлар шахсий манфаат, ҳаром луқма йўлида ҳар қандай пасткашликдан қайтишмайди.

— Таъкидлашларича улар ишбилармонлар ёки сармоядор кишилар уйига бостириб кириб пул талаб қилишган, баъзи корхона ва ташкилотлардан ҳеч қандай тўсиқсиз маҳсулотларни олиб чиқиб кетаверишган.

— Гапингиз тўғри, аммо, зўравонларни ҳали авжига чиқмай таг-томири билан йўқотиб ташлаш мумкин эди. Лекин сен менга тегма қабилида иш тутилди. Қолаверса кенг жамоатчилик ҳам воқеаларга томошабин бўлмасликлари лозим эди. Тан олишимиз керак, лоқайдлик ҳам қилдик.

Ўтган йилнинг кузида Қўрғонтепа дон маҳсулоти корхонасидан 300 қоп унни жиноятчилар тўдаси олиб чиқиб, қўшни Қирғизистон республикасига ўтказаётганда ушладик. Лекин менда оғриқ уйғотадигани, масаланинг иккинчи томони. Жиноятга ҳуқуқ тартибот ходимларининг шерик бўлаётгани.

Қўрғонтепа райони давлат автомобиль назорати инспекцияси раҳбарининг қилмиши кишини таажжубга солади. Буни қарангки, у ўғирланган машинани била туриб ўзиники қилиб олибди. Давлат номерини қадаб ўтган йилнинг сентябрь ойидан буён фойдаланиб юрганига нима дейсиз?

— Ўғрига ҳамтовоқлик қилиш-да, бу!

— Албатта, савол беришингиз мумкин, ўғирланган машинани теварак-атрофдагилар, ички ишлар ходимлари билмасмидилар? Инкор этишга ўйланиб қоласиз. Билар эдилар. Лекин жиноятни яшириб келишган. Шундай экан бўйнида иллати бор одам қандай қилиб жиноятчиликка қарши курашади. Худди шу райондаги милиция капитани, собиқ участка инспектори Кенжаев Камолнинг ўз мансабини суиистеъмол қилишини олиб қаранг. Халқ тинчлиги, осойишталигини сақловчи ходим хизмат ваколатидан чиқиб, оддий фуқарони урган, тан жароҳати етказган. Охир оқибат у шифохонада ҳаётдан кўз юмди. Энди айтингчи, бундай ҳолат кечирасиз-у қуюшқонга сиғадими? Улар ўз қилмишлари билан мундирни доғлашади, ҳамкасблари юзига оёқ қўйишади.

Ахир раҳбарнинг ўзи ўғрини ёки жиноятчини ҳимоя қилиб турса унинг қўл остидагилар ёки, жабрдийданинг қай аҳволга тушишини кўз олдингизга келтиринг. Чидаб бўлмайдиган ҳол-да. Амал дегани қурсин. Айримларнинг қулоғини кар, кўзини кўр қилиб қўяди. Натижада ўзгалар назар-писанд қилинмайди. Андижон пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида содир бўлган воқеани эсласангиз таажжубга тушасиз. Айни чоғда унинг раҳбарига хайф айтгингиз келади. Корхонага «УЗОБУВТОРГ» базасига қарашли 710 жуфт хорижий давлатда ишлаб чиқарилган аёллар туфлиси ва этиги — бир контейнер маҳсулот адашиб келиб қолган. 195 минг 426 сўмлик маҳсулотни ўз эгаларига қайтариш лозим эди. Лекин бирлашманинг қабул қилувчиси Д. Асқаров вазиятдан фойдаланиб уни ўғирлаб бозорда чайқов нархида пуллаган. Хўш корхона бош директори воқеадан хабардор эмасмиди? Унга маълум эди. Лекин у ўз жияни Д. Асқаровнинг жиноятчига айланиб қолишини истамади. Ўғирликни яширишга уринди. Сир ошкор бўлиб қолгач, уни тиш-тирноғи билан ҳимоя қилди. Энди бу ёғига ўзингиз баҳо бераверинг. Ҳозир ҳар иккаласи устидан ҳам жиноий иш қўзғатилган.

— Сўнгги маълумотларга қараганда жиноятчилар ҳамон тузоққа илинишяпти. Урганган кўнгил деганларидек...

— Кўр кўзнинг очилиши қийин бўларканда. Айримлар мансабни пул топиш воситаси деб ўйлашади чоғи. Шарм-ҳаё, ор-номусни йиғиштириб қўйиб мўмай даромад йиғиш йўлига ўтиб оладилар. Балиқчи туманидаги солиқ инспекцияси бошлиғи Х. Меҳмонов ўзига берилган ваколатдан довдираб қолди. Жавобгар шахсларга нисбатан дўқ-пўписа қилиб, кунини-кунжини пулга тўлдирмоқчи бўлди. Туман марказидаги «Эркин баҳо» дўконини текшириб қалбаки ҳужжат тайёрлаган. Далолатнома бўйича товламачилик қилиб дўкон мудирини қаматмоқчи бўлган. Энг ачинарлиси дўконлардан 20 минг пора сўраган. Қарангки хом сут эмган банда экан-да, бел оғритмай пулни олаётганда қўлга тушди. Вазият ойдинлашгач, яна шу нарса маълум бўлдики у мавқеидан фойдаланиб дўкондан 39 минг сўм ва 4600 сўмлик маҳсулотни таъмагирлик йўли билан олган.

Шаҳрихон шаҳар акционерлик, тижорат-деҳқончилик саноат банкининг бош ҳисобчиси билан Андижон шаҳридаги кичик корхоналардан бири раҳбари ўртасидаги олди-бердининг ҳам чуви чиқди. Улар тил бириктириб кичик корхона чек китобчасига қалбаки йўл билан аввалига 22, кейин 189 миллион сўмни лимитлаганлар. Эвазига бош ҳисобчи «ВАЗ—21063» автомашинасини пора сифатида олган. Ҳаром луқма кимга насиб қилган эканки, уларга буюрган бўлсин.

— Улуғбек ака, айримлар уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўхтаб қолмасмикан деган хаёлга бораяптилар.

— Асло. Кимки ана шундай ўйласа адашади. Халқнинг ризқи-насибасини қиймоқчи бўлганлар, енгил-елпи ҳаёт кечирмоқчи бўлганларга орамизда ўрин бўлмаслиги керак. Шундай экан курашлар ҳали олдинда.

Суҳбатдош «Туркистон» мухбири.

Аъзамжон МИРЗАЖОНОВ.

Футбол оламида

ОҒУ СОЛИБ...

Рақобатлашувчи жамоалардан бирининг барча ўйинчилари заҳарланиб йиқилиб қолгани туфайли футбол учрашуви тўхтатилганини эшитганмисиз?

Бундай ғайритабиий вазият яқинда Франциядаги марказий ҳудудий табақа биринчилигида қайд этилди. «Сюлли-сюр-Луар» жамоаси «Сальбри» командасини қабул қиларди. Майдон эгалари учун ушбу учрашув ҳаёт-мамот масаласини ҳал қилиши лозим эди: жамоа ё ғолиб чиқиб аҳволини бироз бўлса-да ўнглаб олар, ёки мағлубият билан бирга барча ҳомийлардан ажралиб, келажакдан умидини узарди. Жамоа вице-президенти Марсель Левей ўз футболчиларига кўмаклашишнинг антиқа усулини қўллашга шунинг учун ҳам аҳд қилган бўлса ажаб эмас.

Левей учрашув бошланишидан аввал меҳмонлар кийим алмаштирадиган хонага яширинча кириб, футболчилар ичиши учун ҳозирланган минерал сувга ўзи тайёрлаган оғуни аралаштириб қўяди. Майдонга чиқиш олдидан сувдан тотиб кўрган футболчилар дастлабки дақиқалардоноқ қоринлари «оғриб» бирин-кетин йиқилиб қола бошлайдилар. Тиббий ходимлар кўрсатган ёрдам кор қилмади. Танаффусгача «Сальбри»нинг барча аъзолари шу тариқа майдонни тарк этишга мажбур бўлишади. Табиийки, учрашув тўхтатилади ва заҳарланганлар касалхонага юборилади. Бу ерда «касаллик»нинг асл сабаби аниқланади.

Полиция «айбдор»ни жуда кўп вақт қидириши ҳам мумкин эди. Аммо қилиб қўйган ишининг пировард натижаларидан қўрқиб кетган Левей ўз айбига иқрор бўлиб келади. Суд унинг ишини кўриб бўлиб, тегишли қарор чиқаради.

Аммо оғу клуб вице-президентининг келгуси ҳаётига таъсир ўтказибгина қолмади. «Сюлли-сюр-Луар» нафақат ҳомийлардан, балки лигадаги ўрнидан ҳам ажралди.

«Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан» деганлари шумикан?!

МАРАДОНАНИНГ «ИЗДОШИ»

Аргентиналик футболчи Клаудио Канижа ўз ҳаёти ва спорт фаолиятида машҳур ватандошидан ўрнак олишга ўрганиб қолган экан. Кўпчилик Клаудионинг ҳужумкор ўйинини Диего Марадонанинг маҳорати билан ҳам таққослашга мойил бўларди. «Рома» жамоаси сафларида Италия биринчилиги учун баҳсларда муваффақият билан тўп сураётган Канижа яқинда Марадонанинг собиқ жамоаси «Наполи» билан бўлган учрашувдан сўнг устозидан чиройли голлар уришнигина ўрганмаганини кўрсатди. Медиклар Канижанинг қонини текшириб кўрганларида тақиқланган моддалар борлигини аниқлашди. Такрорий текширув машҳур футболчининг қонида кокаин борлигини тасдиқлади. Энди Канижа Марадона каби маълум муддатга севимли ўйинидан четлатилади. Жазо муддати олти ойдан икки йилгача бўлиши мумкин.

«Устознинг айтганини қилу, қилганини қилма» деган ақидага эътибор бермасликнинг оқибати мана шунақа бўларкан.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ тайёрлади.

Келгуси сонда:

- ● ГЕНЕРАЛ ҚАЙТИБ КЕЛМАЙДИ
- ● СТАЛИН ОҚ ЙЎЛ ТИЛАГАН ТРЕНЕР
- ● АРОСАТДА ҚОЛГАН ЎЛКА

Газета саҳифаланаётганда

ЛОЙ ЎҒРИСИ (ҲОҲ ИШОНИНГ, ҲОҲ ИШОНМАНГ)

Шоюсуф ака Ўрикзор маҳалласидан бир неча йил олдин участка олганди. Секин-аста иморатни кўтара бошлади. Иш лўмбозга келган даврда бозор иқтисодиёти деган гаплар чиқиб, ҳамма нарса — тупроқдан тортиб, то тахта-ёғочгача қимматлашиб кетди. Барчага келган тўй экан-да, — деди-ю, лўмбозга ҳозирлик кўра бошлади. Беш машина тупроқ, шунга яраша сомон сотиб олди. Ўғилларини ишга солиб, катта лой қилдириб уч кунгача ачитиб қўйди. Энг яқин одамларини лўмбоз босишга ҳашарга айтдириб юборди.

Эртаси бозор куни тонг саҳарлаб қайдасан, Ўрикзор, деб йўлга чиқишди. Етиб келишдию, ҳанг-манг бўлиб қолишди. Қилиб қўйилган лой таг-туги билан йўқ эди.

— Шоюсуф ака бизларни 1 апрель қилдингиз-ку, ахир. Ростдан ҳам лой қилиб ҳашарга айтганмидингиз, ёки ҳазиллашдингизми-а? — дейишди ҳашарга келганлар бу ҳолни кўриб.

Шоюсуф ака на кулишини билмасди, на йиғлашини. Яхшиямки, ўғилларининг ўзлари лой қилганликларини, куни кеча ҳам лойни бир марта ағдариб кетишганини айтиб беришди.

— Кўп ўғриларни эшитгандигу, аммо шу пайтгача лой ўғрисини кўриш у ёқда турсин, эшитмагандик ҳам, — дейишди.

Раҳимжон ОРИПОВ.

Ҳаёт сўқмоқларида

Тақдирин қўл билан яратур одам

(Боши 3-бетда)

Уларнинг тўйи худди бойбадавлат одамларники каби дабдабали ўтганлигини ҳалиҳануз ҳавас ва ҳасад билан эслашади. Буни қарангки, тантанада вилоятдаги юзлаб тили «қулфлоғлиқ» бўлса ҳам, дили очиқ ёшлар тўпланишди. Уларнинг кўпи турли районлардан келган қисматдошлар эди! «Бунчалик иноқ бўлишмаса! Эҳтимол, одамлар ўртасида қадр, меҳр ришталари тобора нозик тортиб бораётганлигидан нолишимиз ўринсиздир? Негаки, Ғанишернинг собиқ мактабдошлари тўйга ёғилиб келишган, бири рақсга тушиб, бошқаси тансиқ таомлар тайёрлаб, сирли қўл ҳаракатлари билан халқни хурсанд қилганлиги кўпчиликни ҳайратга солди.

...Ер юзидаги инсонларнинг феъли-атвори, табиати ва қарашлари турлича бўлгани сингари уларнинг тақдири ҳам бир-бирига сира ўхшамас экан.

Худо Ғанишерга ақл-фаросат, яхши фазилатларни ато қилгани билан уни бир нарсадан — тил орқали дилидаги гапларни юзага чиқариш қудратидан қисган.

Ғанишер икки ўт орасида қолган эди. Ё тақдирга тан бериш, рўзғор қилмай, акаларининг уйида дастёр бўлиш, ё бўлмаса ўзи тенги бировни топиб, бошқалар сингари ҳаёт қозонида қайнаш, бирор касбнинг этагидан тутиб, пул-мул топиш, рўзғор тебратиб, инсонга фақат бир мартагина насиб этадиган ҳаёт шаробидан қониб-қониб ичиш...

Ҳаш-паш дегунча оёқ кийимларни тузатиш касбининг миридан сиригача билиб олди. «Тиржайиб» турадиган этикми, туфлими ёки шиппакми — ҳаммасини бир зумда «яп-янги» қилиб ташлайди. Бундан хурсанд бўлган одамлар унинг дўкони олдидан нари кетишмайди.

Ўзингиз яхши биласиз: ҳозир магазиндан оёқ кийимлари оламан, деган кишининг чўнтагида минг-минглаб пули бўлмаса, ҳоли вой, ҳеч нарса харид қилолмайди.

Ғанишер билан гурунглашиш учун Қизириқ ноҳияси маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси иқтисодчиси Ҳусан Алламуродовни унинг олдига эргаштириб бордим. «Мен Тошкентдаги заводлардан бирида ишлаганман. Ишчиларимиз орасида гунглар ҳам оз эмасди. Улар билан гаплаша оламан», дейди Ҳусан.

Ғанишер ишлайдиган дўкон олдидаги курсиларда ўзи тенги икки йигит оёғини чалиштириб ўтирар, қўллари бармоқларининг ҳаракатлари билан нималарнидир бир-бирига тушунтирар эди. Кейин билсам улар ҳам туғма гунг бўлиб, гапиролмас эканлар. Бир варақ қоғозга уч-тўртта саволни ёздим-да, йигитлардан бири билан танишмоқчи бўлдим. Исми-фамилияси Назаров Абдумўмин бўлиб, «Гиламбоп» давлат хўжалигининг 7-участкасида яшайди. Ҳозирда ҳеч ерда ишламас экан. Иккинчиси эса негадир ўзини таништиришни ҳоҳламади.

Уйга кириш олдидан ҳовлини томоша қилдим. Тўрт-бешта сигир, қўй, бир нечта товуқ. Уйнинг шипини, эшик, деразаларини Ғанишернинг ўзи ясаганлигига қойил қолмай илож йўқ. Икки ака-уканинг оиласи иноқлигини айтмайсизми? Улар бир ҳовлида яшашади. Аммо, бирови кечки овқат тайёрласа, иккинчисини чақириб, бирга тановвул қилишмаса, кўнгли ўрнига тушмас экан!

— Иккита ғоз ҳам боқяпти, — дейди қурилишда муҳандис бўлиб ишлайдиган Бобошер укасининг ишлари ҳақида ғурурланиб сўзлар экан.

Ғанишернинг ҳовлисини кўриб ўйланиб қолдим. Шу лаҳзада «Истара» давлат хўжалигида тўрт мучаси соппа-соғ бир кишининг ландовурлигидан худди бомба тушгандек хароба, ипириски хонадонни эсладим...

Ғанишер билан бир дастурхон атрофида ўтирсангиз, зерикиш нима эканлигини сира билмайсиз. Тили-жағи бор одамларни ҳам йўлда қолдириб кетади — табиий ҳаракатлари, қўл ишоралари билан нималарнидир берилиб тушунтиради. У қадаҳ ичида қолган спиртга қўлини ботириб олдида, гугурт чақди. Бош бармоғи устидаги спирт ловуллаб ёнсаям, негадир у пинагини бузмай тураверади. Балки у чексиз-чегарасиз бардош, иродани ёшликдан тарбиялаб боргандир? Эҳтимол барчасига гўдаклигидан кўникиб қолгандир?

Ҳарқалай унинг қўрқмаслигига, тоғдек юраги борлигига ишонгинг келади.

Ғанишернинг умр йўлдоши Мавлуда Бегимқулова билан ҳам имо-ишоралар орқали гурунглашдик. Унинг қизғиш юзига ёйилган табассум ҳаётидан беҳад мамнун эканлигини англатиб турар эди. Эҳтимол, юлдузи-юлдузига тўғри келган экан, деганлари шу бўлса керак.

Устахонани Ғанишерга хусусий мулк сифатида топширишибди. Ғанишер ўзини меҳнат билан овутади. Кўнгли яримлигини шу ташвиш — иш орқали билинтирмаслик пайида бўлади.

...Ғанишер нимадир демоқчи бўлдию, гапиролмади. «Шошмай туринглар» деган маънода имо-ишора қилдию, ташқарига чиқиб кетди. Бир пасдан сўнг бирини эргаштириб, иккинчисини кўтариб, икки ёш болани олиб келди-да, уларга ишора қилди.

Болалар бўлса, ота-онаси сўзлай олмаслигидан парвойи палак, тинмай гапиришар, гўё ота-онаси учун ҳам сўзлашни истагандай чуғурлашиб, нималарнидир маъқуллатгилари келарди.

Тақдирни қўл билан яратиб бўлмайди, дейишади баъзилар. Бунга ишонгим келмади. Ғанишернинг тақдир ҳазилига бепарво бўлмаганини, ҳаракати, интилиши, ҳаётга беқиёс муҳаббати туфайли ўз тақдирини ўзи ўзгартириб юборганини кўриб шундай хулосага келдим.

Кўча-кўйларда, қишлоқ ва шаҳарларда Ғанишер тенги бир неча гунг болаларни кўрганман. Уларнинг айримлари оила қуришмайди, бирор жойда ёлчитиб ишламайдилар ҳам. Тақдир бизга шундай ҳаётни раво кўрган, дегандек, хайрия кутиб, чойчақа ундириб юришади...

Ғанишер билан Мавлуда бўлса, гўёки бир рубобнинг икки тори. Бу торларни чертган киши икки қалбдан бир хилда оҳанг, бир хил мазмундаги ҳаёт навоси таралаётганлигини англайди.

Тенгдошларидан бири шундай деди: «болалигида у осмонга термулиб, худди ухлаётгандек сукут сақлаб ўтирар эди. Хаёл суришни ёқтирар эди. Балки қисматидан нолиб: «Тутқич бер, эй тақдир қуши» дея ўксингандир?»

Ниҳоят тақдир қуши тутқич берди. Улар тақдир осмонида чарх урган бахт қушини идрок, ақл билан ушладилар...

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.
Сурхондарё.

Улар ҳозир ўқувчи. Тўғрироғи Шайхонтохур ноҳиясидаги турли мактабларнинг битирувчилари. Оз фурсат ўтиб эса, халқимизни, мустақил давлатимизни ҳимоя қиладиган аскар йигитлар сафидан ўрин олади. Ана шу масъулиятли бурчларини адо этиш учун улар ҳозирданоқ тайёргарлик қиляптилар. Яқинда Шайхонтохур ноҳияси ўқувчи йигитларининг харбий-спорт тайёргарликларини синовчи мусобақаларнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ушбу тадбир маркази — 19-мактаб майдони. Бу ерда беллашув спорт байрами тусини олди десак, муболаға бўлмас. Йигитчалар биринчи тиббий ёрдам бериш, тўсиқлар устидан сакраш, югуриш, арқон тортиш каби мусобақаларда куч синашдилар.

Мусобақада биринчи ўринни пойтахтдаги 180-сон мактаб битирувчилари эгаллашди.

Иккинчи ўринга 19-мактаб, учинчи ўринга эса 41-мактаб тарбияланувчилари эришдилар.

СУРАТЛАРДА: **ҳарбий спорт тайёргарлиги якунловчи босқичи мусобақаларидан лавҳалар.**

Р. АЛЬБЕКОВ тасвирга туширган.

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМ БАЙРАМ ҚИЛСИН!

Нуқтаи назар

Журналист ҳамкасбларим ҳамда жумҳуриятимиз журналистлари уюшмаси раҳбарияти диққатига ҳавола этиладиган ўта муҳим бир муаммо бор. У ҳам бўлса, бир йилда бир марта ўтказиладиган матбуот куни тантанаси масаласидир.

Азиз биродарлар ва муҳтарам муштарийлар! Ҳаммангизга маълумки, шу кунгача оқ ва қизил босқинчилар зулми остида кўплаб қонунлар гирдобида Компартиянинг қаттиқ назорати остида фаолият кўрсатиб келган матбуотимиз мантиқий ва ғоявий йўналиши, мақсад ва вазифаси эндиликда эскирди: янги-янги ўзгаришлар, ғоявий-сиёсий ва ижтимоий масалалар, иқтисодий ва маданий муаммолар халқимизнинг ўз мустақиллиги руҳи билан тўла боғланган ҳолда янгича демократик ва эркинлик принципларини, янгича миллий ва байналмилал қадриятларини талаб қилмоқда. Ана шу маънода расмиятчилик қобиғидаги унинг юзаки «ғамхўрлиги» руҳида бир йилда бир марта нишонланаётган қизил матбуот кунидан воз кечадиган давр келди: матбуотимизга миллийлик руҳини келтириб, туркий матбуотимиз нуфузини кўтариш орқали заҳматкаш журналистларимизга ғамхўрлик қиладиган онлар етиб келди, деб ўйлайман. Ахир мустақил халқимизнинг мустақил матбуот куни — байрами бўлиши керакку!..

Бас, шундай экан, миллий матбуот куни қандай бўлиши ва нималарга, қандай ҳужжатларга асосан, қачон нишонланиши керак, деган савол ўз-ўзидан туғилиши табиий. Шу боис ҳам Туркистон матбуоти тарихи ҳужжатларига эътиборингизни қаратмоқчи эдим.

Тарихдан маълумки, буюк Туркистонда газетачилик ва журналчилик ишлари ўтган асрнинг 70-йилларига бориб тақалади. Аниқроғи, 1870 йил 28 июлидан Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманнинг буйруғи билан «Туркистон вилоятининг газетаси» чиқа бошлади. Бунда губернаторнинг «амр-фармонлари», рус ҳаётидан кўплаб таржималар, хуллас, оқ империянинг сиясига таъзим қилинувчи материаллар берилди.

Устига-устак 1885 йилдан бошлаб (Остроумов муҳаррир бўлгач) газетанинг бир томони ўрис тилида чоп этилиб, яна дардман ва буйруқбардор газетага айланди. Охири ушбу газета атоқли ёзувчи Зиё Саиднинг айтишича, «Қирқ етти йил давом этиб, сўнг чиқишдан тўхтатилган эди».

Инқилобдан олдин Туркистонда ўзбек, татар, қирғиз, қозоқ, туркманлар муштарак бўлган — тушунарли бўлган кўплаб газета журналлар ёмғирдан сўнгги қўзиқорин мисол бўй кўрсатди. Машҳур ва атоқли жадидлар Маҳмуд Беҳбудий, Мунаввар қори, Исмоил Обидий, Турсунхўжа Ҳамидхўжа, Саидкарим Саидазимбой, Аҳмаджон Бектемиров, Мирзоҳид Мироқилов, Ашурали Зоҳирий, Абдулла Авлоний, Таваллo, Обиджон Маҳмудов, Лутфулла Олимий, Рожий, Саидризо Ализода, Абдураҳмон Содиқ ўғли кабилар раҳбарлигида ва бошчилигида «жадид»лар ва «исломчи»ларнинг мақсадлари, туркий халқлар тилакларидан келиб чиққан «Тараққий (1905), «Хуршид», «Шуҳрат» (1905), «Осиё» (1908), «Турон», «Бухорои шариф» (1913), «Садои Фарғона» (1914), «Садои Туркистон» (1914) каби газеталар ҳамда «Ойина» (1913), «Ал-ислоҳ» (1915) сингари журналлар фаолият кўрсатди.

Юқоридаги газета ва журналлар орасида Туркистон халқлари ҳаётидан ибратли ва анча пухта материаллар бериб жамиятга, аниқроғи маҳаллий кишиларга маълум маърифат тарқатган нуфузлиларидан қуйидагилар ҳозирги замон «Матбуот куни» байрамининг шаклланишига асос бўлса ажаб эмас.

1914 йил 3 апрелида Фарғона музофотида Обиджон Маҳмудов муҳаррирлигида «Садои Фарғона», орадан ярим кун ўтгач, яъни 4 апрелда газетада баён этилишича, «...ҳафтада икки марта чиқадиган адабий-иқтисодий, фанний ва маиший туркча жарида — «Садои Туркистон» Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев муҳаррирлигида чиқа бошлади.

Ўша даврларда анча нуфузли ҳисобланган «Ойина» ҳафталиги эса 1913 йил 20 августда атоқли ёзувчи Маҳмуд Беҳбудий муҳаррирлигида чоп этилди. Журнал (ҳафталик) ярим ойда бир марта чиқиб, у Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиягача тарқалар эди. (З. Саид). Журналнинг тили барча туркий халқлар учун тушунарли бўлиб, унда туркий ва умуман исломий, қолаверса, бошқа халқлар орасидаги муҳим муаммоларга доир ҳаётий материаллар берилади, айниқса диний ва миллий эътиқодга тааллуқли масалалар кенг ёритиларди.

Менинг шахсан таклифим шундан иборатки, ушбу туркий нуфузли газеталар — «Садои Фарғона» (1914 йил), 3 апрель ёки «Садои Туркистон» 1914 йил 4 апрель ёки «Ойина» (1913 йил 20 август) оммавий ахборотларининг туғилган кунларини эътиборга олиб, ўша даврларда кенг тарқалган матбуотлар эканлигига асосланган ҳолда ҳозирги миллий «Матбуот куни» мизни байрам қилсак.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Республика Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ (*масъул котиб*), Қ.ЭШМАТОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ ТАҲРИРИЯТ: ☎
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

✉ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—179. 64052 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. — 22.00.